БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 211 (16.294) • 9 сентябрь 1975 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин

ПАХТАЛАР ЧАМАН-ЧАМАН

Тозғора массивининг бугунги қиёфаси ўзгача. Жиззах чўлининг ғарбий этагидаги ана шу унумдор ерларда чўлнинг биринчи давлат хўжалиги — Ульянов номли совхоз ташкил этилган. Жанубий Мирзачўл каналидан насослар ёрдамида 18 метрга кўтариб берилган оби ҳаёт инсон қадами етмаган чўлга жон киргизиб юборди. Уфққа чўзилган яйдоқ чўл бағрида яшил бўстон бунёдга келди. Бугун ана шу бўстон оппоқ мавжланиб турган денгизга ўхшайди. Барглари сунъий усулда тўкилган ғўзалардаги ўнлаб кўсаклар бодроқдек очилиб кетган.

— Жиззах чўлининг 1417 гектар ерида пахта етиштирдик. Ҳар гектар ерда 115 минг тупдан ғўза бор. Ҳар бир ниҳолда 10-12 тадан кўсак тўпланган. Бугунгача ана шу кўсакларнинг 75-80 процента қийғос очилди. Шунинг учун теримни бошладик, — деди совхоз бош агрономи Йўлдош Зоҳидов.

— Мўлжалингиз қандай?

— Ҳар гектар ердан 13 центнер ўрнига 26 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз.

— Ҳосил йиғим-теримини тез ва сифатли ўтказиш юзасидан тузилган тадбирларда нималар кўзда тутилган?

— КПСС XXV съезди шарафига биринчи йилиёқ планни икки ҳисса ошиғи билан бажариб она-Ватанга 3 ярим минг тонна «оқ олтин» армуғон қилиш ҳосилнинг 100 процентини машиналарда териш, планни 10 кун ичида бажариш.

Улкан ва порлоқ йўл бошида турган хўжалик аҳлининг ана шу аҳдига лойиқ бугун далаларга 15 терим машиналари тушди. Бу машиналаринг штурваллари ишончли қўлларга топширилган. Совхознинг трактор паркида ташкил этилган курсларда 25 нафар кадр механизаторлик касбини эгаллади. Уларга тажрибакорлар мураббийлик қилишди. Шунинг учун ҳам Маҳбуба Нуриддинова, Холбуви Рустамова каби чўлнинг биринчи қалдиргочлари рулда дадил туриб ишга киришдилар.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.
Пахтакор райони.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Гагарин номли совхоз механизаторлари республикада биринчи бўлиб машина терими бошладилар. «Зангори кема»лар пахтазорларга олиб кирилди. Теримнинг дастлабки кунларидаёқ илғор механизаторлар ўз агрегатлари бунёридан 4-5 тоннадан «оқ олтин тўкдилар. Суратда: (чапдан) машина терими қалдиргочлари — илғор механизаторлардан Х. Тошева, П. Муродова, Ж. Ҳақбердиева, О. Пардаева ўртоқлар пахтазорда.

А. Тўраев фотоси.

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

Қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш Коммунистик партиянинг ҳамиша диққат-эътиборида бўлиб келаётган жуда муҳим масалалардан биридир. Зеро, бу масала шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал-иқтисодий ва маданий-маиший тафовутларни тугатиш юзасидан партиямизнинг программ вазифасини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Қишлоққа маданиятнинг кириб бориши масаласига доҳиймиз В. И. Ленин ғоят катта эътибор билан қарар, бу вазифани коммунизм ғалабаси учун зарур бўлган замин яратишда муҳим проблема деб ҳисобларди. Партиямиз доҳийнинг ана шу кўрсатмаларига амал қилиб, қишлоқларимизни социалистик асосда ўзгартириш борасида жуда катта ишларни амалга оширди.

Қишлоқларимиз қиёфаси, деҳқонлар меҳнатининг характери тубдан ўзгарди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчи кучларнинг зўр бериб ривожланиши қишлоқ меҳнаткашининг саводхонлиги ва маданияти тинмай ошиб боришига ёрдам бермоқда. Бу соҳадаги ютуқлар нақадар улканлигини республикамиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Қишлоқ хўжалигида энг қолоқ ишлаб чиқариш қуроли ишлатилган ва деҳқонлар тинчини қуритувчи оғир меҳнат қилиб, бир парча нон топган замонлар ҳақида деҳқонларнинг ёдида аччиқ хотираларгина қолди. Коммунистик партия, Совет ҳокимияти ва колхоз тузуми ўзбек деҳқонларини асрий муҳтожлик ва эзулматдан бадавлат ва маданий ҳаётнинг кенг йўлига олиб чиқди.

Ҳозирги вақтда қишлоқдаги олий ва ўрта маълумотли мутахассислар сони 300 минг кишидан ошиб кетди. Бу — 1965 йилдагидан икки баравар кўпдир. Ўтган ўн йил мобайнида қишлоқ жойларида савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, аҳолига медицина ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланди. Беш мингтадан кўпроқ магазин, мингга яқин ошхона ва кафе қурилди. Қишлоқ аҳолисининг турмуш маданияти нақадар юксалганлигини шундай фактлардан ҳам билиш мумкинки, кейинги ўн йил ичида мебель, телевизор, холодильник, кир ювиш машинаси ва бошқа маданий-маиший моллар сотиш уч баравар, китоб савдоси икки баравар кўпайди, маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 7 баравардан зиёд ошди. Қишлоқ районларида 12—15 мутахассислик бўйича амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатилмоқда.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг куни кеча матбуотда эълон қилинган «Қишлоқ турмуш маданиятини янада юксалтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ана шу ва бошқа муваффақиятлар алоҳида таъкидлаб ўтилди. Қарорда Тошкент, Андижон, Бухоро ва бошқа областларнинг кўпгина партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қишлар онги ва хулқ-атворидаги ўтмиш қарқитларини бартараф этиш соҳасидаги ишларни кучайтирганликлари қайд қилинди. Дарҳақиқат, республикамизнинг кўпгина партия ва совет ташкилотлари маданиятни юксалтириш тадбирларини қишлоқ меҳнаткашларининг ижтимоий ва меҳнат активлигини кучайтириш, уларни беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги ишнинг таркибий қисми деб қарамоқдалар.

Партия программасида қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини саноат даражасига тобора кўпроқ яқинлаштириш кўзда тутилган. Узбекистон партия ташкилоти мана шу ленинча йўлни изчил амалга ошираётганлиги туфайли қишлоқларимизда янгидан-янги касблар пайдо бўлмоқда. Ҳозирги вақтда чорвадор-механизатор, созловчи-электромеханик, қишлоқ хўжалиги машиналарини ремонт қилувчи ва бошқа кўп касбдаги кишиларнинг меҳнати саноат ишчилари меҳнатидан кам фарқ қилади. Бу йил республика комсомоли бошлаб берган ва қишлоқларимизда кенг авж олиб кетган юз минг ёш механизатор тайёрлаш ҳаракати қишлоқнинг социал структурасини ўзгартиришда катта аҳамиятга эга бўлади.

Қишлоқ меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш ва турмуш маданиятини юксалтириш юзасидан шу йил май ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси мамлакатимиз партия ташкилотларининг бу ишда тўплаган бой тажрибасини умумлаштирди.

Шу билан бирга Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотларининг қишлоқ меҳнаткашлари турмуш маданиятини юксалтириш, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида олиб бораётган ишларида жиддий нуқсонлар борлиги ҳам таъкидланди. Қишлоқда маданий қурилиш суръатлари хўжаликларни иқтисодий ривожлантириш даражасидан орқада қолмоқда, поселкаларнинг бош планлари суст ишлаб чиқилмоқда. Бир қанча жойларда хуторларни тугатиш топшириқлари бажарилмаётир. Маблағлар сочиб юборилмоқда, аҳоли пунктларида плансиз қурилиш ишлари олиб боришга йўл қўйилмоқда.

Область ва район партия комитетларининг, область ва район ижроия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг, республика министрликлари ва идоралари раҳбарларининг бурчи — меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада такомиллаштириш, уларнинг турмуш маданиятини юксалтириш юзасидан перспектив планлар тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат. Қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини янада юксалтириш масаласи партия комитетлари пленумларида ва коммунистларнинг йиғилишларида махсус муҳокама этилиши зарур.

Унинчи беш йиллик — халқ хўжалигимизнинг ҳамма соҳаларида бўлгани каби қишлоқ меҳнаткашлари турмуш маданиятини юксалтиришда ҳам сифат ва самарадорлик беш йиллиги бўлмоғи керак. Шу йиллар мобайнида ўн бештадан кам хўжалик бўлган барча хуторлар тугатилиши даркор. Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш форма ва усулари янада кенгайтирилиши, яқин келажакда камида 700 минг квартира газлаштирилиши, барча хонадонлар телевидение кўрсатувларидан баҳраманд бўлиши зарур.

Қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш умумпартия, умумдавлат иши. Бу проблеманинг муваффақиятли ҳал этилиши қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги жиддий тафовутларни бартараф қилиш, қишлоқ аҳолиси турмушининг моддий ва маданий даражасини изчил ошириш ва уни шаҳар аҳолисининг турмуш даражасига яқинлаштириш йўлида бундан буён ҳам олға томон боришга қўшилган жуда катта ҳисса бўлишига шак-шубҳа йўқ.

ВАТАНПАРВАРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

СЪЕЗД ОЛДИ МУСОБАҚАСИНИ АВЖ ОЛДИРАМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездини муносиб кутиб олиш тўғрисидаги қарорини республикамиз ишчилари қизғин маъқулламоқдалар. Саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларида митинглар бўлиб, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилинаётир. Оммавий ватанпарварликнинг ёрқин ифодаси бўлган бу ҳаракат редакцияга келаётган жуда кўплаб хат-хабарларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Қуйида ишчи мухбирларнинг шу ҳақдаги бир неча хушхабарини диққатингизга ҳавола қиламиз.

ЦЕМЕНТЧИЛАР СЎЗИ

Республикамиз ўрт илғор ишчисининг КПСС XXV съездини меҳнатда шахсий рекордлар билан кутиб олиш ташаббуси Фрунзе номли Қувасой цемент комбинати коллективи орасида тобора кенг қулоч ёзмоқда.

Комбинатнинг шифер цехи ишчилари Зина Мамедова, Вера Шчербакова, Фая Капкаева, цемент тегирмони цехининг машинистлари Ахмад Ўтанов, Нина Давлекамова сингари ишлаб чиқариш илғорлари шахсий беш йиллик планларини аллақачон ўринлатиб, ўнинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

Якунловчи йилда планда белгиланганидан ташқари кўплаб цемент, шифер, оҳак, алебастр ишлаб чиқаришга аҳд қилган комбинат коллективи қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг партия XXV съездини чақириш тўғрисидаги қарорига жавобан зарбдорларча ишлаётган цементчилар йил бошидан буён планга қўшимча 5594 тонна цемент, 459 минг дона шифер, 2645 тонна оҳак, 2789 тонна алебастр тайёрладилар. Планда кўрсатилганидан 172 минг сўмлик кўп маҳсулот қурилиш объектларига етказиб берилди.

А. ФОЗИЛОВ.

ЎРНАК

Республикамиздаги саноат корхоналари коллективларида бўлгани каби бизнинг В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмамизда ҳам КПСС XXV съезди шарафига зарбдор 25 декада қизғин давом этмоқда.

Корхонамиз коллективи қарордан руҳланиб, партия белгилаб берган планларни амалга оширишга астойдил киришилиб, илғорлардан ўрнак олиш ҳаракатини кучайтирмоқда. Бизнинг ишлаб чиқариш бирлашмамизда меҳнат унумдорлигини тинмай ошираётган, маҳсулот сифатини яхшилаш устида изланаётган коммунистик меҳнат зарбдорлари, новатор ишчилар кўп. Уларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли корхонамиз якунловчи йилни, умуман тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари ошириб адо этмоқда. Бунда 1976 йилнинг иккинчи квартали ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётган 16-, 18-, 92, 94, 96-цех ишчиларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Ғ. ШУКУРОВ,
Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА МУКОФОТ

«Кумуш камар» деб аталмиш Катта Наманган каналини бунёд этишдек шарафли ишда минглаб ташаббускор, жасоратли, матонатли кишилар меҳнат қилишяпти. Уларнинг меҳнат ғайрати натижасида азим Норин дарёсининг суви трасса орқали Косонсой ва Тўрақўрғон районлари колхоз, совхозларнинг экинзорларига кириб келди.

Трестимиз маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ушбу қарорга амал қилиб, зарбдорларча меҳнат қилаётган, пешона тери тўкиб, канал қурилишида намуна кўрсатаётган илғорларни ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантириб келмоқда. Жумладан, 4-қурилиш-монтаж бошқармаси экскаватор машинисти Владимир Мергенц, 5-кўчма механизациялашган колонна бульдозерчиси Тўрабой Жўраев, 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг темирчиси Жалолиддин Шоховлар «Москвич-412» автомашиналари билан тақдирландилар. Улар бундай мукофотга меҳнатда намуна кўрсатганликлари тўғайли эришдилар.

М. МИРЖАЛИЛОВ,
«Наманганводстрой» трести инженери.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Узбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» ходимлари коллективи КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, тўқкизинчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажарди. Йил охиригача пландан ташқари 19 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Миллий байрам — Болгарияда социалистик революциянинг 31 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат кенгашининг Раиси ўртоқ Тодор Живков ва Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Станко Тодоровга табрик телеграммаси йўлладилар.

Телеграммада бундай дейилади: 1944 йил 9 сентябрда Совет Армияси Болқонда немис фашист қўшинларига қарши голибона ҳужум қилган бир шароитда амалга оширилган социалистик революция болгар халқи ўз Ватанининг миллий ва социал озодлиги учун олиб борган қаҳрамонона курашнинг порлоқ хотимаси бўлди. Болгария Халқ Республикасининг меҳнаткашлари социалистик жамият қуриш йўлига ўтиб, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари билан маҳкам жипслашиб, ўз Коммунистик партияси раҳбарлигида, тарихан қисқа вақт ичида замонавий саноатни, механизациялаштирилган йирик қишлоқ хўжалигини вужудга келтирдилар, фан ва маданиятни ривожлантиришнинг юксак даражасига эришдилар. Ҳозирги вақтда мамлакатда Болгария Коммунистик партияси X съезднинг экономикани янада юксалтириш ва меҳнаткашларнинг фаровонлигини тобора оширишга қаратилган қарорлари муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда.

Болгария Варшава Шартномаси ташкилоти ва Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашининг актив қатнашчиси бўлиб, социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантиришга, социалистик давлатларнинг куч-қудрати ва жипслигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Совет Иттифоқида, деб таъкидланади телеграммада, кескинликни юмшатиш, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлаш, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш йўлида социалистик давлатларнинг биргаликда олиб бораётган курашида Болгариянинг актив ва изчил иштирок қилаётганлигига юксак баҳо бермоқдалар.

Болгария Коммунистик партияси бошқа қардош партиялар билан биргаликда марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари асосида халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ва жипслиги учун оғишмай кураш олиб бормоқда.

Совет кишилари КПСС билан Болгария Коммунистик партияси ўртасида, СССР билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида қарор топган ўртоқларча ишонч муносабатларини, ҳаракат бирлигини, чинакам қардошларча совет—болгар дўстлигини қадрлайдилар, халқларимизни ўзаро бойитадиган ва яқинлаштирадиган нарсаларнинг ҳаммасини муштарак мулкимиз деб эъзозлайдилар. Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида кенгайиб, ривожланиб бораётган ҳар томонлама ҳамкорлик халқларимизнинг чуқур орзу тилаклари ва манфаатларига муносибдир. Бу ҳамкорлик давлатларимизнинг дўстлиги ва иттифоқини тош метиндек мустаҳкамлаб, социалистик ва коммунистик қурилиш ишига хизмат қилмоқда. Совет Иттифоқининг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари партияларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги маҳкам иттифоқ, қардошлик ва ҳамкорликни бундан буён ҳам бутун чоралар билан мустаҳкамлайверадилар.

Совет раҳбарлари қардош болгар халқининг социалистик қурилишда, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришувини тиладилар.

* * *

Корея Халқ Демократик Республикаси ташкил топган кунининг 27 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар Корея Меҳнат партиясининг Марказий Комитетининг Бош секретари, Корея Халқ Демократик Республикасининг Президенти ўртоқ Ким Ир Сенга ва Корея Халқ Демократик Республикаси Маъмурий Кенгашининг Бош министри ўртоқ Ким Ирга табрик телеграммаси йўлладилар.

Телеграммада бундай дейилади: 1948 йил 9 сентябрда Корея Халқ Демократик Республикасининг эълон қилиниши корейс халқининг қаҳрамонона йилномасига ёрқин саҳифа бўлиб кирди. Корейс халқи миллий озодлик учун узоқ вақт мобайнида олиб борилган кураш натижасида ўз давлати доирасида мустақил демократик ривожланишдан иборат муқаддас ҳуқуқини амалга оширди ва комил ишонч билан янги, социалистик жамият қуриш йўлига ўтди. КХДРнинг социал-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда эришган жуда катта муваффақиятлари социалистик тараққиёт йўлини танлаб олган халқ олдида битмас-туганмас ижодий имкониятлар очилганлигини яққол исбот этади. КХДР меҳнаткашлари ҳозир ўзларининг миллий байрамини сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят жўш урган бир вазиятда кутиб олмоқдалар. Улар Корея Меҳнат партиясининг V съезди илгари сурган олти йиллик халқ хўжалик плани топшириқларини муддатидан илгари бажариш йўлидаги ҳаракатни кенг авж олдириб юбордилар.

Телеграммада таъкидлаб ўтилганидек, мустаҳкам ақаванвий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари Совет Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикасини бир-бири билан боғлайди. Бу дўстлик ва ҳамкорлик мамлакатларимизда социалистик ва коммунистик қурилиш вазифаларига, жаҳон социализмини мустаҳкамлаш ва империалистик агрессиясига қарши, Осиёда тинчлик ва хавфсизлик учун кураш манфаатларига яхши хизмат қилмоқда. Совет раҳбарлари партияларимиз, халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги қардошлик муносабатлари марксизм-ленинизм, социалистик интернационализмнинг мустаҳкам негизида ривожланиб, кучайиб бораверади, деб ишонч билдирдилар.

Совет раҳбарлари қардош корейс халқининг социалистик қурилиш ишида, кўпдан буён орзу қилинган тилакни — Ватанни тинч демократик асосда қайта бирлаштириш тилагини рўёбга чиқаришда янгидан-янги муваффақиятларга эришувини тиладилар.

(ТАСС).

5.200.000 ТОННА УЧУН

Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 8 сентябрга бўлган МАЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи стун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	1,54	8,57
Бухоро	1,07	7,07
Қашқадарё	1,26	6,53
Андижон	1,29	5,36
Сурхондарё	0,92	3,42
Хоразм	0,61	2,63
ҚҚАССР	0,55	1,88
Наманган	0,51	1,56
Самарқанд	0,36	1,36
Тошкент	0,15	0,47
Жиззах	0,08	0,29
Сирдарё	0,08	0,08
Республика бўйича:	0,78	3,70
Шу жумладан ингичка пахта:		толали
Сурхондарё	0,97	3,27
Қашқадарё	0,64	2,23
Наманган	1,18	1,95
Бухоро	0,32	1,59
Республика бўйича:	0,89	2,94

ДЕЛЕГАЦИЯ СОФИЯГА КЕЛДИ

Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлисининг таклифига биноан СССР Олий Советининг делегацияси жавоб визити билан 8 сентябрда Москвадан Софияга жўнаб кетди. Делегацияга СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилик қилмоқда. Делегация составида СССР Олий Советининг депутатларидан М. К. Андриевский, В. П. Булова, Ф. Қодирбоева, Г. П. Разумовский, И. Ф. Синицилар бор.

Аэродромда делегацияни СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. Холов, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг биринчи ўринбосари О. Б. Рахманин ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Болгариянинг Совет Иттифоқидаги элчиси Димитр Жулев ҳам бор эди.

* * *

СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси 8 сентябрь куни Софияга келди. Аэродромда делегацияни БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари — БХР Министрлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Т. Цолов, Болгария — Совет дўстлиги умумхалқ комитетининг раиси Ц. Драгойчева, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида СССР-нинг БХРдаги элчиси В. Н. Базовский бор эди.

* * *

СССР Олий Совети делегацияси В. И. Ленин ҳайкали ёнига, Г. Димитров мавзолейига, ҳалоскор Совет Армияси шарафига ўрнатилган ёдгорлик ёнига гулчамбарлар қўйди. (ТАСС).

СОФИЯДА ҚАБУЛ

СОФИЯ, 8 сентябрь. (ТАСС). БКП Марказий Комитетининг биринчи секретари, БХР давлат Кенгашининг Раиси Тодор Живков бугун Софияга келган СССР Олий Совети делегациясининг бошлиғи, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовни қабул қилди.

ЁДГОРЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — УМУМХАЛҚ ИШИ

САМАРҚАНД, 8 сентябрь. (ЎзТАГ). Бу ерда бўлиб ўтган республика кенгаши тарихий-архитектура ёдгорликларини ва ҳозирги замон монументал ҳайкалтарошлик асарларини муҳофаза қилиш, тиклаш ва пропаганда қилиш масаласига бағишланди. Кенгашда маданият ходимлари, олимлар, рассомлар иштирок этдилар.

Кенгашда Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Ахборот

АГИТБРИГАДА ПАХТАЗОРДА

Қува район партия комитети оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш мақсадида сайёр агитбригада ташкил этди. Сиёсий шарҳловчилар, лекторлар ва район маданият уйининг «Анор» ашула ва рақс ансамбли ҳаваскор санъатчиларидан иборат агитбригада район хўжаликларида ташвиқот-тарғибот ишларини авж олдириб юборди. Пахтакорлар республика партия-ҳукуматининг Мурожаати, пландан ташқари сотиладиган пахтанинг харид нархларига устама ҳақ тўлаш тўғрисидаги қарор юзасидан суҳбатларни зўр қониқиш билан тингламоқдалар. Шунингдек СССРнинг халқаро тинчлик сиёсати тўғрисидаги лекциялар ҳам тингловчиларда катта қизиқиш туғдирди. М. Акбаров, А. Мирзаев, Ҳ. Ашуров, С. Мадалиев, Ф. Абдумухторов ва С. Абдуллаев ўртоқларнинг лекция ва суҳбатлари айниқса зўр қизиқиш билан тингланмоқда.

Район пахтакорлари бу ғамхўрликка жавобан якунловчи йил мажбуриятларини ортиғи билан бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

М. ЖИЯНОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚИМОҚДА

Фарғона область шаҳар, район газета редакциялари ва радиоси ходимлари журналистлар малакасини ошириш мактаби машғулотларида маҳорат сирларини ўрганмоқдалар. Мактабнинг дастлабки машғулотида область партия комитетининг секретари Р. Қосимова, область «Коммуна» газетасининг редактори А. Мирзаев ўртоқларнинг докладлари тингланди.

Ўқиш муддати бир йилга мўлжалланган мазкур мактаб тингловчилари — матбуот ходимлари ва радио журналистлар матбуот назарияси ва практикасига оид лекциялар тинглайдилар. Матбуотда жамоатчилик асосларини ривожлантириш тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

Ҳ. ҚАЮМОВ.

Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати коллективи КПСС XXIV съездининг фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ҳақидаги кўрсатмаларини изчиллик билан амалга оширмоқда. Корхонада лазерь нури ишлатиладиган замонавий техника жиҳозлари ўрнатилди. Бу жиҳозларда тайёрланаётган маҳсулотлар саноатнинг электр техника, медицина, электрон ва радио техника тармоқларида унумли фойдаланиляпти. Суратда: комбинат цехларидан бири.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

Фойдали қазилма — Ватан бойлиги

ҲАММАНИНГ ИШИ

Коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун мамлакат асосий табиий бойликларидан бири бўлган минерал хом ашё ресурсларидан ўринли фойдаланиш — муҳим аҳамиятга эга. Ер ости бойликларининг социалистик мулк эканлиги ва халқ хўжалигини бошқаришнинг планли системаси ер ости бойликларидан комплекс, самарали ва тежаб-тергаб фойдаланиш ҳамда шу бойликларни қўриқлаш учун энг яхши шарт-шароитларни яратиб беради. Тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси бу масалани алоҳида муҳокама қилиб, махсус қарор ва ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер оста бойликлари ҳақидаги қонун асосларини қабул қилди. Барча совет кишилари каби Ўзбекистон геология разведкачилари қонун ва қарорни қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Маълумки, бизнинг республикамиз мамлакат минераль хом ашё балансида муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон территориясида етмишдан зиёд нефть ва табиий газ конлари очилиб разведка қилинди ҳамда уларнинг қирқ бештаси фойдаланишга топширилди. Шу тарзда халқ хўжалигининг янги тармоғи — газ қазиб олиш саноати вужудга келтирилди. Табиий газ конларининг очилиши ва фойдаланишга топширилиши фақат республикамизнинг эмас, балки ундан ташқаридаги территорияларнинг ҳам ёқилғи баланси структурасини ўзгартириб юборди.

Рангли металлургиянинг минерал хом ашё базасини яратишда ҳам анчагина ютуқлар қўлга киритилди. Олмалиқ районида мис-молибден руда конлари разведка қилинди. Улар асосида кон-металлургия комбинати бунёд этилди. Ҳудди шу жойда кўрғошин-рух бойитиш фабрикаси ва рух заводи ишлаб турибди. Мис ва рухни қайта ишлашдан чиққан чиқиндилар олтингугурт олишда фойдаланилмоқда.

Республикада вольфрам концентрати ишлаб чиқарилмоқда ҳамда висмут концентратини олишга киришилди.

Ўзбекистоннинг табиий бойликлари турли-туман кон-руда ва химиявий хом ашёнинг запасига эга. Плавик шпати ва графити, каолин ва дала шпати, кварц қуми ва волластонит, калий ва туз, бентонит тупроғи ва олтингугурт, целестин ва тальк, йод-бром сувлари... Республикамиз тупроғи бағридаги норуда фойдали қазилмаларнинг тўла бўлмаган рўйхати бу. Юқорида айтилган бойликларнинг бари халқ хўжалигида ишлатилмоқда.

Бинокорлик материаллари саноати ҳам хом ашё билан тўла-тўкис таъминланган. Унга 220 га яқин кон, жумладан, шу беш йилликнинг ўзида 38 та кон фойдаланишга топширилди. Цемент хом ашёси конлари базасида ҳозир тўртта йирик цемент заводи маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

«Минерал хом ашё кондициялари асосий қазилма ва у билан бирга ётувчи фойдали қазилмалардан, шунингдек, ана шу қазилмалар билан бирга чиқувчи қимматли компонентлардан фойдаланиш ҳисобига олинган ҳолда ишлаб чиқилади», — дейилади Ер ости бойликлари тўғрисидаги Қонун асосларида. Ўзбекистон геология разведкачилари бу масалага алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу кунларда Жиззах областида рух-кўрғошин рудаси конларининг разведка қилинаётганлиги фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Бу ерда асосий фойдали компонентлар билан бирга очиқ ҳолдаги жинслар тадқиқ қилинмоқда. Биз шулар ҳисобига яқин атроф областларнинг йўл қурилиши учун зарур бўлган қум ва шағалга бўлган эҳтиёжларини қондирмоқчимизки, у дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, катта иқтисодий самара беради.

Жазирама об-ҳаво шароитида республика халқ хўжалиги кўпгина тармоқларининг ривожланиши сув ресурсларининг миқдорига боғлиқ. Ўзбек геология разведкачилари ер ости сувларини разведка қилиш ҳисобига кўпгина шаҳарлар, йирик аҳоли пунктлари ва корхоналарнинг сув таъминотини яхшилашга муваффақ бўлдилар. Шу билан бирга улар жуда катта кўламда ер ости сувларини аниқлаб, қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжини қондирмоқдалар.

Бироқ ҳамма жойда ҳам табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилашга муносиб эътибор берилмаяпти. Масалан, айрим ташкилотлар Сурхондарё, Хоразм, Бухоро ва бошқа областларда рухсат олмай туриб пармалаш ишлари олиб бордилар.

Ер ости сувларини ифлосланишдан ва қуриб қолишдан сақлаш учун Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг махсус бўлинмалари катта ишларни амалга ошираётир. Табиий қудуқлар ўрганилмоқда, саноат корхоналари чиқиндиларининг ер бағрига сингдириб юборилиши қаттиқ назорат қилинмоқда. Натижада 1630 табиий қудуқ тартибга солинди. Бироқ 1974—1975 йилларда яна 700 та қудуқнинг кран мосламалари ишдан чиқдики, бундай хўжасизлик ер ости сувларини қуритиб қўймоқда.

Қимматбаҳо ер ости сувларининг бўлар-бўлмасга исроф бўлишига хотима бериш учун уларни ер усти сувлари билан қўшиб ишлатиш зарур. Шу асосдагина сув ресурсларидан комплекс фойдаланишни ва республикада сув иншоотлари қуришни планлаштириш лозим.

Қонун асосларида ер ости бойликларини сақлаш ва фойдаланишни назорат ва контроль қилишга катта аҳамият берилган. Бу — республика Геология министрлиги зиммасига янги масъулият юклайди. Давлат геология назорати органлари геология-разведка ишларининг самарасини оширишга ва сифатини яхшилашга муносиб ҳисса қўшадилар ҳамда барча ташкилотлар томонидан ер ости бойликларидан фойдаланиш юзасидан белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилинишини кузатадилар.

Ер ости бойликлари ҳақидаги Қонун асосларининг қабул қилиниши Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг мамлакат иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, минерал-хом ашё базасини янада кучайтириш, фойдали қазилма бойликларни муҳофаза қилиш юзасидан қилаётган ғамхўрлигининг янги ифодаси бўлди.

А. АҲМАДБОЕВ,
Ўзбекистон ССР геология министрининг ўринбосари.

РАСМИЙ БЎЛИМ

САНОАТНИ БОШҚАРИШ ТАКОМИЛЛАШИБ БОРМОҚДА

СССР Министрлар Совети КПСС XXIV съезди Директиваларига асосланиб ҳамда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Саноатни бошқаришни янада такомиллаштиришга оид баъзи тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ саноат тармоқларини бошқаришнинг бош схемаларини кўриб чиқишни давом эттирмоқда.

Маълумки, саноатнинг газ, кўмир ва нефть тармоқларини бошқаришнинг бош схемалари тасдиқланганлиги матбуотда хабар қилинган эди. Сўнгги вақтларда СССР Министрлар Совети трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлигини, химия ва нефть машинасозлигини, электротехника саноатини, қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлигини, енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда рўзғор асбоблари машинасозлигини, станоксозлик ва асбобсозлик саноатини, химия саноатини, қора ва рангли металлургияни, нефтни қайта ишлаш ва нефть-химия саноатини, ўрмон ва ёғочсозлик саноатини бошқаришнинг бош схемаларини ҳам қараб чиқиб, тасдиқлади. Бундан ташқари енгил саноат, шунингдек гўшт ва сут саноатини бошқаришнинг бош схемалари кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Бош схемаларда ана шу тармоқларни бошқаришда кўп поғоналикни тугатиш ва шу тармоқларнинг кўпчилигини икки бўғинли (СССР министрлиги—ишлаб чиқариш бирлашмаси, корхона) ёки уч бўғинли (СССР министрлиги—Бутуниттифоқ саноат бирлашмаси — ишлаб чиқариш бирлашмаси, корхона); (СССР министрлиги — шу номдаги иттифоқдош республика министрлиги — ишлаб чиқариш бирлашмаси, корхона) бошқарув системаларига ўтказиш кўзда тутилади.

Енгил саноатни бошқариш икки бўғинли (СССР Енгил саноат министрлиги — ишлаб чиқариш бирлашмаси, корхона), уч бўғинли (СССР Енгил саноат министрлиги — Бутуниттифоқ саноат бирлашмаси — ишлаб чиқариш бирлашмаси, корхона); (СССР Енгил саноат министрлиги — иттифоқдош республика енгил саноат министрлиги — ишлаб чиқариш бирлашмаси, корхона) системаси ва бу тармоқда кўп миқдорда корхоналар мавжудлиги муносабати билан тўрт бўғинли система СССР Енгил саноат министрлиги — иттифоқдош республика министрлиги (бошқармаси — республика саноат бирлашмаси — ишлаб чиқариш бирлашмаси, корхона) системалари асосида амалга оширилади.

Гўшт ва сут саноатини бошқаришни асосан уч бўғинли (СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги — Бутуниттифоқ саноати бирлашмаси — ишлаб чиқариш бирлашмаси, корхона); (СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги — иттифоқдош республика Гўшт ва сут саноати министрлиги — ишлаб чиқариш бирлашмаси, корхона) система асосида амалга оширилади.

Бошқаришнинг бош схемаларида саноат ўтилган тармоқларда бирламчи (асосий) бўғин сифатида 869 ишлаб чиқариш ва 62 та илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини тузиш мўлжалланмоқда. Чунончи, трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигида 27 та ишлаб чиқариш ва 6 та илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, электротехника саноатида 67 та ишлаб чиқариш ва 7 та илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, ўрмон ва ёғочсозлик саноатида 272 та ишлаб чиқариш ва 10 та илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, енгил саноатда 504 та ишлаб чиқариш бирлашмаси, гўшт ва сут саноатида 215 та ишлаб чиқариш ва 2 илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилади.

Корхоналарни йириклаштириш тадбирларини кўриш кўзда тутилмоқда. Қарийб 3,5 мингта майда корхона ва ташкилот мустақиллигини йўқотиб, ишлаб чиқариш бирлигига сифатида бирлашмалар составига қўшилади. Масалан, химия ва нефть машинасозлигида 110 та корхона ва ташкилот, электротехника саноатида 181 та корхона ва ташкилот, қора металлургияда 104 та корхона ва ташкилот, ўрмон ва ёғочсозлик саноатида 750 та корхона ва ташкилот, енгил саноатда салкам 1000 корхона ва ташкилот, гўшт ва сут саноатида ҳам шунча корхона ва ташкилот бирлашмалар составига киритилади. Ишлаб чиқариш бирлашмаларида план, молия ва бошқа хўжалик вазифаларини бажаришни марказлаштириш кўзда тутиладики токи, завод, фабрика ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарининг диққат-эътиборини оператив — ишлаб чиқариш ва технология вазифаларини ҳал қилишга қаратиш мумкин бўлади.

Саноатнинг кўрсатиб ўтилган тармоқларида бошқаришнинг ўрта бўғини сифатида бирлашган ишлаб чиқариш-хўжалик комплекси бўлган ва ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида амалга оширувчи 147 та Бутуниттифоқ (республика) саноат бирлашмасини ташкил қилиш мўлжаллаб қўйилди. Ҳозирги вақтда бошқаришнинг ўрта бўғинига мансуб бўлган трестлар, областлараро бошқармалар ва бошқа ташкилотларнинг сони анча қисқаради.

СССР ҳукуматининг бош схемалар ҳақидаги қарорларида айни вақтда тегишли министрликлар марказий аппаратининг янги структураларини тасдиқлаш кўзда тутилади. Ана шу структураларни такомиллаштириш, бош тармоқ бошқармаларини тугатиш, ишлаб турган бошқармалар ва бўлимларни мустаҳкамлаш, министрликлар марказий аппаратининг диққат-эътиборини тармоқни янада ривожлантиришнинг туб масалаларини ҳал қилишга, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга, ягона техника сиёсатини ўтказишга ва халқ хўжалигининг ҳамда аҳолининг тармоқ маҳсулотига бўлган талаб-эҳтиёжини тўлароқ қондиришга қаратиш мўлжалланмоқда.

Бош схемаларда тасдиқланганига мувофиқ кўрсатиб ўтилган тармоқларни бошқаришни такомиллаштириш юзасидан белгиланган тадбирларни 1975—1976 йилларда, гўшт ва сут саноатида эса шундай тадбирларни 1977 йилда тугаллаш мўлжаллаб қўйилди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши қарийб 900 миллион сўм миқдорида иқтисодий самара олиш, шунингдек бошқариш аппарати ходимлари сонини анча қисқартириш имконини беради.

ОЗУҚА ТЎЙИМЛИ БЎЛСИН

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Карбамид концентратини ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Мамлакатда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ва чорвачилик самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги ана шу тармоғининг тўйимли, оқсил билан бойитилган озуқага бўлган талаб-эҳтиёжининг таъминланишига боғлиқ. Зарур миқдорда карбамид концентратини ишлаб чиқаришни ташкил этиш йўли билан молларни озиқлантириш рационида синтетик азотли моддалардан, асосан карбамиддан фойдаланишни кенгайтириш ана шу вазифани ҳал қилишда муҳим роль ўйнаши лозим.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети моллар учун озуқага қўшиб берилаётган оқсилли-витаминли моддалар ва омухта ем ишлаб чиқариш учун 1976—1980 йилларда карбамид концентратини ишлаб чиқариш юзасидан СССР Тайёрлаш министрлигига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига топшириқлар белгилаб, улар зиммасига бўрдоқихоналарни, қорамол чорвачилик комплексларини ва қўйчилик хўжаликларини карбамид концентратидан фойдаланиб тайёрланган омухта ем билан узлуксиз таъминлаб туриш мажбуриятини юкладилар.

Қарорда белгиланган ҳажмда карбамид концентратини ишлаб чиқаришни ташкил этишни таъминлаш учун СССР Тайёрлаш министрлигини ва «Союзсельхозтехника»ни моддий-техника воситалари билан таъминлаш тадбирлари кўзда тутилган.

«Союзсельхозтехника»га карбамид концентрати ишлаб чиқариш учун қурилаётган хўжаликлараро цехлар, колхоз ва совхоз цехларига ностандарт ускуналар тайёрлаш, шунингдек ускуналар билан таъминлаш, ана шу объектларда монтаж ва ишга туширишсозлаш ишларини бажариш ҳамда шу объектларга техникавий хизмат кўрсатиш топширилди.

ОВ МИЛТИҚЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ, ҲИСОБГА ОЛИШ ВА САҚЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРТИБИ

СССР Министрлар Совети мамлакат территориясида ов милтиқларини сотиб олиш, ҳисобга олиш ва сақлашнинг ягона тартибини жорий этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, ана шу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Силлиқ стволли ва нарезкали ов милтиқларини гражданларга, шунингдек корхоналарга, ташкилотларга ва муассасаларга сотиш ички ишлар органларининг рухсати билангина амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Шу билан бирга гражданларга ов милтиқлари овчилик билети кўрсатилган тақдирдагина сотилиши мумкин.

Ов милтиқлари сотиб олинганган кейин кечи билан бир ой муддат ичида ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказилиши лозим. Ана шундай қуролларни қайта рўйхатдан ўтказиш ички ишлар органлари томонидан ҳар уч йилда бир марта амалга оширилади.

Ушбу қарор қабул қилингунига қадар сотиб олинган барча ов милтиқлари (сотиб олиш манбаларидан қатъий назар) 1977 йил 1 январгача ички ишлар органларида рўйхатга олиниши лозим.

СССР Ички ишлар министрлигига ов милтиқларини ва ўқ-дориларни сотиб олиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги инструкцияни 3 ой муддат ичида тасдиқлаш топширилди.

Ов милтиқларини сотиб олиш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва рўйхатга олиш (қайта рўйхатга олиш), шунингдек шу милтиқларни сотиб олиш ва сақлаш учун рухсатномалар бериш устидан назорат қилиш вазифаси СССР Ички ишлар министрлиги ва унинг жойлардаги органлари зиммасига юкланди.

Иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига СССР Ички ишлар министрлиги билан келишиб, ов милтиқларини сотиб олиш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва рўйхатга олиш (қайта рўйхатга олиш) қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда ҳал этиш таклиф қилинди. (ТАСС).

ДОН—ДАВЛАТГА!

Республикамиз областларида дон тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 8 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган дон; учинчи устун — бир кунда (топширишга нисбатан процент ҳисобида).

Андижон	100,7	0,4
Фарғона	82,4	1,6
Қашқадарё	63,6	0,1
Наманган	57,7	0,6
Тошкент	56,6	0,6
Сирдарё	53,1	1,1
Сурхондарё	50,2	0,2
Самарқанд	47,3	3,3
Бухоро	30,6	0,1
Жиззах	27,2	0,9
Хоразм	3,0	0,5
ҚҚАССР	2,8	0,6
Республика бўйича	39,9	0,7

КУБАЛИК МЕҲМОНЛАР

Куба республикасининг қишлоқ хўжалиги делегацияси Ўзбекистонда тўрт кун меҳмон бўлиб турди. Меҳмонлар Ўзбекистон шоликорлик илмий-тадқиқот институтини бориб кўрдилар, Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозига ва «Правда» колхозига, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумига сафар қилдилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси экспонатларини кўздан кечирдилар.

Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев билан суҳбатлашдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриельянц Куба қишлоқ хўжалиги делегациясини қабул қилди. (ЎзТАГ).

ЖУРНАЛИСТЛАР ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ БАЙРАМ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги журналистларнинг халқаро бирдамлик кунини нишонлади.

8 сентябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Мажлислар залида матбуот, телевидение ва радио ходимларининг ана шу шонли санага бағишланган йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари республика журналистларининг пролетар интернационализми буюк ленинча ғояларига содиклиги, улар КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига муносиб ҳисса қўшишга интилаётганликлари тўғрисида ғапирдилар.

(ЎзТАГ).

МИНИСТРЛАР УЧРАШУВИ

8 сентябрь куни СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличев Франция саноат ва илмий тадқиқотлар министри М. Д'Орнано билан учрашди. Ишчанлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида Совет—Франция савдо-иқтисодий алоқаларига оид масалалар муҳокама қилинди. Саноат ҳамкорлигининг катта миқёсдаги лойиҳаларини амалга оширишга, жумладан шундай лойиҳаларни компенсация асосида амалга оширишга алоҳида эътибор берилди.

Суҳбатда Франциянинг Совет Иттифоқидаги элчиси Ж. Вимон иштирок этди. (ТАСС).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

ЧОРА КЎРИЛДИ

Тошкент область Оққўрғон районидаги Собир Раҳимов номли совхозда яшовчи С. Серкабоев редакцияга хат йўллаб, хўжалик раҳбарларининг кўполлиги, камчиликларни кўра била туриб лом-мим демай келишаётгани, бунинг устига ўз ишларига совукконлик билан қараётганликларини хабар қилган эди. Хат текшириш ва чора кўриш учун Тошкент область прокуратурасига юборилди. У ердан олинган жавобда шундай дейилади:

— Хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Совхоз директори ва партия комитети секретарининг фаолияти райком бюросида муҳокама қилинди. Совхоз директорига учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ выговор берилди. Хўжалик партия комитетининг секретари ишдан бўшатилди.

КЎЗБЎЯМАЧИЛАР

Пастдарғом район колхозлараро қурилиш бошқармасида қилинмаган ишларни «қилинди», бажарилмаган ишни «бажарилди» деб давлат ва халқ мулкини талон-торож қилаётганлар тўғрисида газетамизнинг шу йил 13 июнь сонида танқидий мақола босилган эди.

Мақола юзасидан Пастдарғом район прокуратураси текшириш ўтказди. Бизга маълум қилишларича, мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланган. Пастдарғом район колхозлараро қурилиш ташкилотининг собиқ прораби Ғиёс Худойқуловнинг шу ташкилотдаги иш фаолияти даврида ҳақиқатан кўзбўямачиликка йўл қўйилган. Ғишт, шифер, тахта ва бошқа қурилиш материаллари талон-торож қилингани аниқланди. Юлғич Ғиёс Худойқулов жиноий жавобгарликка тортилди.

ХАЛҚ ШОИРЛАРИГА — ХАЛҚ ТАЪЗИМИ

Офтоб билан осмонни, баҳор билан гулни бир-биридан ажратиб бўлмаганидек, халқ кўнгли билан унинг қўшиғи ҳам бир-биридан асло ажратиб бўлмайдиган тушунчадир... Қўшиқ — халқ дилининг ифодасидир. Шунинг учун ҳам халқ ўзининг қўшиқлари билан унинг фикр ўйлари ва орзу-умидларини ифодалаган, жонажон диёримизга ҳимоя қилган ҳаҳодирлар тўғрисида, фарзандларининг бахт-саодати йўлида азиз жонини беришга тайёр турган оналар ҳақида куйлаган кишиларни ҳурмат-эҳтиром билан ёдга олмоқда.

Худди шунинг учун ҳам Фозил Йўлдош ўғли, Ислом Назар ўғли, Муҳаммадқул Жомрод ўғли Пўлканнинг — самарқандлик уч шоирнинг номи кишилар хотирасида яшаб келмоқдаки, Зарафшон водийсининг меҳнаткашлари ана шу шоирлар туғилган куннинг юз йиллигини тантанали нишонладилар.

Халқ достонларининг асло такрорланмас гўзаллигини бизнинг кунларимизгача етказган шоирлар замон билан баб-баравар қадам ташлаб, жонажон диёримизга Улуғ Октябрь, Ленин партияси олиб келган ўзгаришлардан қувонадилар. Уларнинг Ленинга, Коммунистлар партиясига бағишланган, янги замон порлоқ кучларининг ўтмишнинг кора кучлари устидан ғалабаси тантанасини тараннум этувчи шеърлар бугун ҳам яшамоқда.

Ана шу шеър ва қўшиқлар бир неча кун мобайнида театрлар ва маданият саройларида, майдонлар ва парклларда, Самарқанд областининг шаҳар ва қишлоқларида янграб турди.

Бундан илгари хабар қилинганидек, 5 сентябрь куни Самарқанд область партия комитети билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси томонидан чақирилган юбилейга бағишланган илмий сессия бўлиб ўтди. Сессияда сўзга чиққан олимлар, ёзувчилар Фозил Йўлдош ўғли, Ислом Назар ўғли ва Муҳаммадқул Жомрод ўғли Пўлкан ижодларининг аҳамияти тўғрисида гапирдилар.

Самарқанд жамоатчилигининг ва юбилейда қатнашгани келган меҳмонларнинг тантанали йиғилишида сўзга чиққан Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов халқ шоирлари ўзбек совет маданиятига қўшган беҳаҳо ҳисса тўғрисида гапирди. Йиғилиш 5 сентябрь куни Опера ва Балет театрида бўлиб ўтди.

Ана шу оқшом Бахшиларнинг қўшиқлари театр саҳнасидан узоқ вақтгача янграб турди. Фозил Йўлдош, Ислом шоир, Пўлкан шоирнинг шогирдлари ва истеъдодининг мухлислари ўзларининг устозлари тўқиган қўшиқларини ҳам, уларнинг хотирасига тўқилган қўшиқларни ҳам куйладилар.

Бу қўшиқлар халқ хотирасининг эзгу сўзлари халқ шоирлари туғилган, яшаган ва қўшиқлар тўқиган Нарпай, Хатирчи ва Булунғур районларидаги колхоз қишлоқларида янграб турди. Халқ шоирларининг уй-музейлари тантанали вазиятда очилди, бу уй-музейларида бой адабий материал тўпланган.

Бахшиларнинг асарларини тинглагани жуда кўплаб одамлар тўпланди. Митингда уларнинг минг-минглаб ҳамюртлари жам бўлдилар. Минг-минглаб қишилар Зарафшон диёрининг шонли фарзандларини ҳурмат-эҳтиром сўзлари билан эсладилар. Хатирчи районида митинг ўтаётган бир пайтда қўққисдан юз берган кучли чанг бўрони ҳам одамларнинг заврини бузолмади. Бу район меҳнатчилари Пўлкан шоир ҳайкалини ўрнатишди — шоир кўрган тепасида қўлида дўмбираси билан ўтирибди. «Олтинсой» совхозининг марказий чўрбоғи ана шу кўрғондан бошланади. Ҳайкал ўрнатилган тепаликдан қишлоққа саксонта мармар зинапоядан тушилади. Ҳар бир зинани ёдгорлик пойдаги қудуқдан отилиб чиқаётган сув ювиб туради. Бу сув тиниқ мусаффо томчилар бўлиб пастликка, кўчаларга, боғларга, қишлоқларга бамисоли Пўлкан шоир одамларга бугун ҳам ўз шеърларини туҳфа қилганидек таралиб туради.

Нарпай районидаги «Октябрь» колхозининг меҳнатчилари эса ўз ҳамюртларига қишлоқнинг кок ўртасида ўрнатилган ҳайкални очдилар. Бамисоли ловиллаб турган оловга ухшаб сентябрь ойининг атир гуллари билан ўраб олинган майдонда Ислом шоир Назар ўғли ўтирибди. Унинг ҳайкали мисдан ясалган. Улуғ Ватан уруши йилларида фронтга жўнаб кетаётган ҳамюртларига ок йўл тилаб қолган шоирнинг шеърлари халок бўлган кишилар хотирасига ўрнатилган ҳайкални очиш маросимида ҳам янграган эди. Нарпайликлардан 352 киши ўз юртига қайтиб келмади. Уларнинг номлари мармар тошга ёзиб қўйилган, улар кишиларнинг қалбида, солдат кўрсатган қаҳрамонона жасоратни куйлаган Ислом шоирнинг шеърларида яшайди.

Халқ шоирининг номи халк билан бирга яшайди. Бу ном унинг шеърларида ва қўшиқларидагина эмас, кўчалар, боғлар, мактабларнинг номида ҳам яшайди. Булунғур районидаги совхоз Фозил Йўлдош ўғлининг номи билан аталган. Шу кунларда ана шу совхознинг марказида халк шоирининг ҳайкали очилди. Кишлок Советига, Улуғбек номли совхоздаги 2-мактабга, район марказидаги кўчага Фозил Йўлдош ўғли номи берилган.

Кадимий Самарқанд диёрида янги хиёбонлар — Фозил Йўлдош, Ислом шоир, Пўлкан шоир — халқ шоирларининг хиёбонлари вужудга келди. Бу ерда ўтказилган ҳар бир кўчат, ўз боғларидан олиб келинган атир гулларнинг ҳар бир тупи юрак армуғонидир, халқ кўнглини — унинг қўшиқларини куйлаган халқ шоирларига таъзим нишонасидир.

(ЎзТАГ).

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ

ПАХТАМИЗ СИФАТЛИ БЎЛСИН!

Тўрткўл — Қорақалпоғистон Автоном республикасининг йирик пахтакор райони ҳисобланади. Районимизда ғўза қатор ораларига 4—5 марта комплекс ишлов берилди. Бирон туп ғўза ёввойи ўтларга бостирилмади. Талабига қараб озиқлантирилди, суғорилди. Натижада ҳамма майдонларда социалистик мажбуриятларни ошириб бажарадиган даражада ҳосил етиштирилди.

Мен 1969 йилдан бери терим агрегатини бошқаряпман. Ҳар йили 200—250 тоннадан ошириб пахта теряпман. Колхозимиздаги пешқадам, илғор механик-ҳайдовчилардан Рўзим Матёқубов, Саодат Қурбонбоевалар ҳам мавсумда 180—200 тоннадан кам пахта терганлари йўқ. Рўзим билан Саодат Эллик қалъа массивида янги ерларни ўзлаштириб мўл-кўл ҳосил етиштирмоқдалар. Улар қўриқ ердаги пахтачилик бригадаларига раҳбарлик қилмоқдалар. Чўлқуварлар бу йил гектар бошига камида 50—55 центнердан ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Ана шу икки механизатор ўз бригадаларида етиштирилган ҳосилнинг 90 процентини «зангори кема»ларда териб оладилар. Мавсумда уларнинг ҳар бири 200 тоннадан пахта теришга қарор қилди.

Колхозимиз аъзолари 920 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтариш учун меҳнат қилмоқдалар. 4040 тонна пахтанинг камида 60—65 проценти «зангори кема»ларда териб олинади. 15 та агрегат теримда қатнашади. Агрегатларнинг ҳаммаси ремонтдан сифатли чиқарилди. Агрегатлар икки сменада ва группа усулида ишлайди. Техниканинг унумли ишлаши учун кўчма устаханалар ташкил этилди. Уларга тажрибали слесарлар, механиклар бириктирилди.

Пахта йиғим-теримини зўр уюшқоқлик ва жуда қисқа муддатларда ўтказиш учун социалистик мусобақа байроғини яна ҳам баланд кўтарамиз. Теримда меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатига алоҳида эътибор берамиз. Мен мавсумда камида 350 тонна «оқ олтин» териш юзасидан оширилган социалистик мажбурият қабул қилдим. Шундай қилиб тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилини ажойиб меҳнат зафарлари билан якунлаймиз ва КПССнинг навбатдаги XXV съездини муносиб туҳфалар билан кутиб оламиз. Бу йил пахтани сифатли қилиб теришга алоҳида эътибор берилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бир группа механизаторларнинг ватанпарварлик ташаббуси ҳақида қабул қилган қарорида ҳам бу ҳақда алоҳида уқтириб ўтилди. Пахта хирмонларимиз юксак ва айни пайтда соз ва сифатли бўлсин. Бизнинг қатъий қароримиз ана шундай. Бу кўп жиҳатдан механизаторлар меҳнатига боғлиқ.

Сувонбердин ЖУМАНИЁЗОВ,
Тўрткўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози механизатори, СССР Олий Совети депутати.

ХАЛҚАРО МАЙДОНДА

Тошкентдаги «Ташхимсельмаш» заводи ясаган «НЮ-99» машинаси яқинда Москвада ўтказилган «Ўсимликларни ҳимоя қилиш—75» халқаро виставкасининг дипломи билан мукофотланди. Тракторга ўрнатиладиган шу пуркагич машина тежамлилиги, серунумлиги, сигиллиги ва технологик конструкцияси жиҳатидан комиссия эътиборини жалб қилди. Яқин йилларда «Ташхимсельмаш» коллективи тамомила шундай машиналар ясашга ўтишни мўлжалламоқда. Бу машиналар бирдай вақтда ҳозиргача ясалаётган «ОВХ-14» аппаратига нисбатан бир ярим баравар кўп майдонга дори пуркаб чиқа олади.

Пойтахтнинг турдош заводлари билан меҳнат рақобатида неча марта ғолиб келган қорхона машинасозлари эндиликда халқаро виставкаларнинг учта фахрий мукофотига эга бўлди. 1970 ва 1972 йилларда «ОВХ-14» машинаси ҳам шундай дипломлар билан тақдирланганди. 1973 йилда у Совет Иттифоқида йилнинг энг яхши қишлоқ хўжалик машинаси деб топилган эди. (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ҚАРШИ ЧЎЛИ ҚУРИЛИШИДА

ИРРИГАЦИЯ ЛАБОРАТОРИЯСИ

«Мирзачўл ва Қарши чўлини ўзлаштириш ишлари давом эттирилсин».
(КПСС XXIV съезди директиваларидан).

Тарих қизиқ. Унинг саҳифаларини варақлаганингиз сари ота-боболаримизнинг, авлод-аждодларимизнинг ҳаёти, кураши, орзу-ўйи, интилиши кўз олдингизда намоён бўлади. Ўтмиш бўлиб қолган у кунлар билан ҳозирги дамларни беихтиёр қиёс қиласиз. Ана шунда севимли диёр бўлган Советлар мамлакатининг тарихан жуда қисқа муддатда нақадар куч-қудратга тўлганини, одамлар ҳатто орзу қилолмаган ишларни бажараётганини ўйлаб ҳайратланасиз. Ана шундай ҳайратомуз юмушлардан бири — Қарши чўлини комплекс ўзлаштиришдир.

МУТАХАССИСЛАР АЙТАДИ: Ўзбекистонда ўзлаштирилмаган 2 миллион гектарга яқин ер қолди. Шунинг тенг ярми Қарши чўлида. Бир миллион гектар... Тоғ-тоғ пахта хирмони, ҳадсиз-ҳудудсиз мева-чева... Бутун бошли бойлик-ку!

ТАРИХ ШАҲОДАТ БЕРАДИ: бир неча аср мукаддам Калифдан 20 километр юқоридан канал қазилган. Бироқ у биринчи тошкиндаёк вайрон бўлган. 1880 йили рус инженери Лессар Калифдан Қаршигача канал қазиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Лекин уни бунёд этиш учун маблағ қани? Қани куч? Одамлар сув бўйида туриб, бир қултум сувга зор бўлиб қолавердилар. Улар ҳар сафар баҳор келишини орзиқиб кутишар, чор-атроф бир дам бўлса-да кўм-кўк гилам тусини олиб, чанқоқ кўзларни қувнатарди. Аммо май ойи келиши билан майсалар, гуллар ҳун тафтига бардош беролмай, хазон бўларди. Қовжираган ўт-ўланларни дайди шамол учириб кетарди. Фақат саксовулларгина тақдирга тан бергандек, уфққа туташиб кетган чўл бағрида шумшайиб қола берарди.

Сув... Сув... Сув...

ОЛИМЛАРНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ: агар йил уч юз олтмиш беш кун бўлса, йилнинг 210—220 кунида Қарши чўлида ҳарорат юқори келади. Маданий ўсимликлар маликаси — пахтадан мўл-кўл ҳосил кўтариш мумкин.

Қарши чўлининг ҳақиқий тарихини яратиш фақат Совет ҳокимияти давридагина, олтмишинчи йиллардан бошланди. 1963 йили «Каршистрой» бошқармаси тузилди. 1970 йил 25 июнда эса КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР Қарши чўлидаги ерларни суғориш ва ўзлаштириш ишларини жадаллаштириш тўғрисида»ги тарихий қарори чиқди.

«Каршистрой» бошқармаси бошлиғининг ўринбосари **Ю. А. ХМЕЛЕВСКИЙ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ:**

— Ушбу қарорга кўра, 1980 йилга қадар Қарши даштида 300 минг гектар; шу жумладан, тўққизинчи беш йилликда 85 минг гектар ерни суғориш ва шу ерларда 1974—1975 йилларда 100 минг тонна пахта етиштириш, 1980 йилга бориб, бу рақамни 400 минг тоннага етказиш мўлжалланган эди.

Хўш, қандай қилиб?

Маълумки, Амударё Қарши чўлидан бир неча ўн метр пастдан оқади. Лойиҳачилар жаҳон ирригацияси тарихида биринчи марта дадил ғояни ўртага ташлашди:

— Амударё сувини қудратли насос станциялари кучи билан юқорига даст кўтариш керак!

Лойиҳага кўра, Қарши магистраль-машина каналида 6 та насос станцияси бунёд этилиши, станцияларнинг ҳар бири сувни 35-40 метр, жами 132 метр баландликка чиқариши керак эди. Насос станцияларининг трубалари 6,5 метр, узунлиги 8 метр бўлиб, секундига 40 куб метр сув оқади. Насос станциялари секундига 180-200 куб метр сувни каналга қуйиб туради. Станцияларнинг умумий қуввати — 450 минг киловаттга тенг.

КИЧИК ИЗОҲ: бу — Фарҳод ГЭСнинг қувватидан тўрт баравар кўп, демакдир.

Қурилиш «Бутуниттифоқ комсомол-зарбдор қурилиши» деб эълон қилинди. 1968 йили Пулизиндонда биринчи насос станциясини бунёд этишга киришилди.

РИВОЯТ: эмиш, бу жой яқинида Амударё саёз оққан. Қарвонлар шу саёз жойдан ўтишган. Баъзан қароқчилар уларни шу жойда тунаб, сарбонларни қудуққа ташлаганлар. Бу — ривоят бўлса-да, Қарши чўлининг аянч ўтмишига аниқ ишорадир. Ҳозир Пулизиндон ўрнида чўлқуварларнинг «Дўстлик» посёлкаси қад кўтарган.

Узунлиги 165 метр бўлган канал қурилиши чўлқуварлар учун ҳақиқий меҳнат жасорати майдонига айланди. Юзлаб турли миллат ёшлари қалб амрига қулоқ солиб, комсомол йўлланмаси билан қурилишга отланишди.

СПРАВКА ЎРНИДА: «Қаршистрой» бошқармаси янги тузилган пайтда, унинг қарамоғида бир неча юз киши ишларди. Ҳозир эса турли миллатга мансуб 25 мингга яқин одам меҳнат қилмоқда. Биргина Таллимаржон шаҳрида 50 дан зиёд миллат ва элат кишилари истиқомат қилади.

Биз юқорида Қарши чўлини ўзлаштириш комплекс олиб борилади, дедик. Бунинг маъноси шуки, энг аввало «Каршистрой»да йирик саноат базаси: қурилишни зарур бинокорлик материаллари билан таъминловчи корхоналар бунёд этилди. Бу иш ҳозир ҳам давом этмоқда. Шу йилнинг охирларига бориб сантехника тайёрламалари ва ёғочни қайта ишлаш заводлари, ўнинчи беш йилликнинг бошларида эса уйсозлик заводи, темир-бетон конструкциялари комбинатининг иккинчи навбати ҳамда керамзит ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилади.

Иккинчидан, канал қурилиши билан баробар бўлажак совхозларнинг ерларини текислаш, бетон ариқ-лотоклар ўрнатиш, энг муҳими, хўжалик ишчилари учун ҳар томонлама қулай, замонавий посёлкалар, суғориш системалари, коллектор-зовур тармоклари, автомобиль йўллари бунёд этиш ишлари олиб борилди. «Олиб борилди» дейиш айтишгагина осон.

Қашқадарё область комсомол комитетининг биринчи секретари **З. БЕГИМҚУЛОВ** сўзи:

— Баъзи иродаси бўшлар табиий қийинчиликларга бардош беришолмади. Кетиб қолишди. Аммо, каналда қурилиш суръати кучайдики, сусаймади. Бизнинг канал жуда кўплаб экскаваторчилар, грейдерчилар, бетончилар, дурадгорлар, созловчилар, машинистлар, умуман барча соҳа кишилари учун ҳақиқий имтихон, чиниқиш ва камолот мактаби бўлмоқда. У ўнлаб ўз қаҳрамонларини етиштириб чиқарди. Масалан, экскаваторчи Ниёз Тоштемиров шу кунгача 120 та шогирд тайёрлади. Унинг ҳамкасби М. Карманов-чи? Коммунистик меҳнат зарбдори Карманов яқинда Тбилиси шаҳрида ўтказилган экскаваторчиларнинг Бутуниттифоқ мусобақасида чемпион номини олди. Бульдозерчи Бозор Қудратов, лотокларни монтаж қилувчи Шокир Сайфуддинов, экскаваторчи Вадим Ким, насос агрегатларининг слесарь-монтажчиси Анатолий Мельник, автокран машинисти Гаффор Рўзиевлар ҳақида ҳам ана шундай илиқ гапларни айтиш мумкин. Шу ўринда 8-қурилиш-монтаж бошқармаси ғишт терувчилар бригадаси бошлиғи Нина Александровна Белобрицкаянинг номини алоҳида таъкидлашни истардим. У бошлиқ бригада қайси объектда ишламасин, меҳнатга коммунистик муносабат намуналарини кўрсатади. 6-насос станцияси ишга туширилаётган иншоот бўлганлиги учун Н. Белобрицкая бригадаси тиним билмади. Улар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, ҳатто автомобиль чироқлари ёғуғида тер тўкишди. Топшириқни муддатидан илгари адо этишди. Таллимаржонликлар уни шу йил 15 июнда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайлашди.

Магистраль-машина каналидан Қарши чўлига биринчи марта 1973 йили сув келди. У асрлар бўйи қақраб, ҳансираб ётган, парча-парча пўрсилдок ерга мисоли нур олиб келди. Шу йили Чўли Бегимқулов номли, Сальвадор Альенде номли қўрик совхозларда биринчи ҳосилни кўтардилар. Бу — қўлга киритилажак буюк зафарларнинг дебочаси эди.

Яқинда Қарши чўлида бўлдик. Саёҳатни 6-насос станциясидан бошладик. Учта агрегат пишқириб, оби-ҳаётни юқорига кўтариб беряпти. Зилол Аму суви бетон каналдан чўл бағрига интиляпти.

— Қолган учта агрегатни шу йилнинг охиригача монтаж қилиб, фойдаланишга топширамиз. Бу — бизнинг КПСС XXV съездига совғамиз бўлади, — дейишмоқда бинокорлар.

Ун қават уй баландлигидаги улкан станциядаги қудратли агрегатларни фақат бир неча киши бошқараётганини кўриб таажжубдан ёқа ушлайди киши.

Насос станцияларига хизмат қилаётган кишилар ўз касбларининг билимдони, фидойиси. Яқинда бир воқеа юз берди. Доимо яхши ишлаб турган агрегатларнинг бирида ёғлаш ускунаси қуйиб кетди-ю, зўр насос ишдан чиқди. Техника қоидаси бўйича уни тузатиш учун 72 соат, яъни уч сутка талаб қилинади. Ҳар қатра сув ўлчовда бўлган, пахтазорлар, боғ-роғлар «сув-сув» деб турган паллада бир дарё сувни уч кун тўхтатиб бўладими? Энг яхши мутахассислар, бутун куч ҳалиги агрегатни тузатишга сафарбар қилинди. Бу шиддатли кураш инсон ғаламаси билан тугади. Уч суткалик иш ўн икки соатда бажарилди. Насос кечаси соат бирда ишга туширилди.

9-қўрик совхознинг белга урар ғўзалари, тилни қирқ ёрадиган қовунтарвузлари, тепасига қарасанг, дўппи тушадиган маккажўхорилари экилган майдонлар-чи? Шу ерлар бундан атиги уч йил бурун чўл эди дейилса, ишонмаслик мумкин. Лекин, ҳақиқат.

— Бу йил 9 минг тонна «оқ олтин» йиғиб олмоқчимиз, — мароқ билан ҳикоя қилади совхоз директори Сувон Баратов.

ИЗОҲ ЎРНИДА: Чўли Бегимқулов номли 9-совхоз чўлда ташкил қилинган ўндан зиёд қўрик совхозларнинг бири. Келажакда ҳаммаси бўлиб Қарши чўлида 130 та совхоз (шундан 100 таси пахтачилик) барпо қилиниши керак. Совхоз қуришга кетаётган safф-ҳаражат уч йилдаёқ қопланаяпти.

Қарши чўлида «Аврора», «Дўстлик», «Муборак», «Нишон», «Таллимаржон» поселка ва шаҳарлари чўлқуварлар жасоратига, уларнинг метиндек мустаҳкам дўстлигига, совет тузумининг яратувчилик қудратига ҳайкал сифатида қад кўтариб турибди. Булар социалистик шаҳарчаларнинг ҳақиқий намунаси.

Таллимаржон шаҳар Совети раиси **А. ЛАПАСОВА**нинг айтганлари:

— Қорақум барханларининг қоқ ўртасида қад кўтарган Таллимаржон шу йил баҳорда шаҳар статусини олди. Уй-жой биналарининг умумий саҳни 43 минг квадрат-метрдан ошиб кетди. Янги мактаблар, болалар боғчалари, магазинлар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, музика мактаби қурилиб фойдаланишга топширилди. Улуғ Ғалабанинг 30 йиллиги арафасида умумшаҳар паркига асос солинди. Қарши шаҳри билан ҳаво алоқаси ўрнатилди. Ҳар қандай область маркази ҳавас қилса арзийдиган Маданият саройимизнинг эшиклари ҳамма вақт очиқ. Бу ларнинг ҳаммаси — инсон учун.

Қарши чўлини ўзлаштириш ва суғоришнинг дастлабки — биринчи навбати охирлаяпти. Ҳали олдинда улкан ишлар турибди. Агар чўлни ўзлаштиришга шу кунгача 1,5 миллиард сўм капитал маблағ сарфланган бўлса, яқин келажакда шунча маблағ ажратилади. Ҳозирданоқ Таллимаржон сув омборини қуриш бошлаб юборилди. У чўлни мунтазам равишда об-ҳаёт билан таъминлаш имконини беради.

Қарши чўлида олиб борилаётган катта миқёсдаги улкан ишлар кўламини тасаввур қилиш учун яхшиси уни бориб кўриш керак. Унинг довруғини эшитган, тажрибасини ўрганмоқчи бўлган чет элликлар, биринчи навбатда америкалик мутахассислар тез-тез ташриф буюришмоқда. Улар кўпинча қойил қолганларидан «О кэй» дейишдан нариги ўтишмайди. Ҳа, Қарши чўлини ўзлаштиришда кўп нарса биринчи марта қўлланилмоқда-ки, у жаҳон ирригацияси ва мелиорацияси тарихида ўзига хос лаборатория бўлиб қолди.

Э. ХЎЖАЕВ,
«Совет Узбекистони» махсус мухбири.

ЖУМАГУЛ ПЕШҚАДАМ

Дўстлик районидаги (Жиззах области) «Комсомол» совхозининг сут соғувчиси Жумагул Шамшиева йил бошидан буён ҳар сигирдан икки ярим минг килограмм сут соғиб олди. Зоотехника қоидаларига қатъий риоя қилиш, энг яхшиларнинг тажрибасини ўрганиш, ўз ишига муҳаббат — фермадаги ёш ходимнинг шундай катта муваффақиятларни қўлга киритишига ёрдам берди.

Жиззах область Советининг депутати, КПСС аъзолигига кандидат Жумагул Шамшиева КПСС XXV съезди шарафига бу йил ҳар сигирдан камида 3800 килограммдан сут соғиб олишга қарор берди.

(ЎзТАГ).

Чет элларда

ЯНГИЛИКЛАР
ХАБАРЛАР
ВОҚЕАЛАР

ГВИНЕЯ-БИСАУ. Африкадаги ёш мустақил давлат — Гвинея-Бисау қуролли кучлари юрт тинчлигини хушёрлик билан қўриқламоқдалар. Суратда: Гвинея-Бисау солдатлари постда.

Г. Алексеев фотоси. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БУХАРЕСТ. Бу ерда Чехословакия Социалистик Республикаси Федерал ҳукуматининг раиси Л. Штроугалнинг Руминияга қилган расмий дўстона визити тўғрисидаги ахборот эълон қилинди.

М. Мэнеску билан Л. Штроугал халқаро кескинликни юмшатиш йўлини табриклашдилар. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ташаббуси ва ижобий фаолияти туфайли кескинликни юмшатишга эришилди.

Ахборотда айтилаётган, Руминия билан Чехословакия Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг натижаларини табриклайдилар. Улар қуролсизланишга бағишлаб, дунёдаги барча давлатларнинг иштироки билан жаҳон конференциясини чақириш кераклигини уқтириб ўтдилар.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Коммунистик партиясининг таниқли арбоби Агутха Менон бошчилигидаги Керала штатининг ҳукумати шу йил 15 сентябрдан бошлаб қишлоқ хўжалик ишчиларининг иш ҳақи минимуми оширилажагини эълон қилди. Керала қишлоқ хўжалик министри Б. Б. Пурушотхаман матбуот конференциясида бундай деди: бу қарор штатдаги 2,5 миллион қишлоқ хўжалик ишчиларининг аҳволини анча яхшилайди.

НЬЮ-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг апартеидга қарши курашувчи махсус комитети Жанубий Африкадаги сиёсий маҳбусларнинг ҳаммаси озод қилинсин ва ирқий камситиш ҳамда апартеид душманларини таъқиб этиш тўхтатилсин, деб талаб этди.

Комитетнинг эълон қилинган докладида бундай дейилади: Жанубий Африкада бир қанча тараққийпарвар ҳаракат ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шу жумладан Жанубий Африка студентлари ташкилоти, ёшлар ва касаба союз ташкилотларининг раҳбарлари, шармандали апартеид сиёсатига қарши чиқаётган зиёлиларнинг вакиллари турмага ташланган. (ТАСС).

ПОРТУГАЛИЯ ҲУКУМАТИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

ЛИССАБОН. 8 сентябрь. ТАСС мухбири Э. Ковалев хабар беради: Генерал Васку Гонсалвиш раислигида Португалия бешинчи муваққат ҳукуматининг шошилинч мажлиси бўлиб ўтди. Маълумки, президент Кошта Гомешнинг илтимосига кўра Португалиянинг муваққат ҳукумати илгари янги ҳукумат тузилгунга қадар ўз ишини давом эттиришга розилик берган эди. Васку Гонсалвиш ҳукумати ўзининг шошилинч мажлисида ягона масала—мамлакатда сиёсий вазиятнинг ривожи тўғрисидаги масалани қараб чиқди ва республика президентига ўзининг дарҳол истеъфога чиқиши тўғрисидаги илтимосномани тақдим этишга қарор берди.

Республика президенти мақкамаси бешинчи муваққат ҳукуматнинг берган истеъфосини президент қабул қилганлигини билдирди. Ҳукумат ўзининг расмий ахборотида 5 сентябрда Танкушдаги ҳарбий лагерда қабул этилган ва ўнг социал-демократик марказ буржуа партиясининг вакиллари тўрт офицер эса революцион кенгаш составидан чиқди.

Айни вақтда президент Кошта Гомеш ва янги бош министр адмирал Пиньейру Ди Азеведу янги ҳукумат тузиш мақсадида шошилинч равишда маслаҳатлашувни давом эттирмоқдалар. Бу маслаҳатларда олтита сиёсий партиянинг — коммунистлар, социалистлар, халқ демократик партияси, Португалия демократик ҳаракати, сўл социалистик ҳаракат ва ўнг социал-демократик марказ буржуа партиясининг вакиллари қатнашмоқдалар.

СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТЛАР НЕГА ШПРИНГЕРГА ҚАРШИ

Ғарбий Германия нашриётларининг қайси биридан: Кохштрассе кўчаси нимаси билан диққатга сазовор деб сўрасангиз, Шпрингер нашриёти билан, деб жавоб қиладилар. Чунки, ГФР газеталари қироли Шпрингер 60-йилларда бу кўчада ўз нашриётининг энг йирик филиалларини очган эди. Шпрингер концерни ўз фаолиятининг бошларидаёқ «Фронт шаҳрида» (ўша вақт матбуотда Ғарбий Берлинни шундай деб аташарди) уруш атмосферасини авж олдирмоқчи бўларди, Германия Демократик Республикасига қарши қўпорувчилик ишларини қўллаб-қувватларди. Нашриёт биносидан ГДР пойтахтига ўтказилган тунелдан диверсиячилар ўтиб, 1962 йил 18 июнда ГДР чегарачиси Рейнхольд Хуанни ўлдирган эдилар.

Ҳозир Шпрингер концерни қандай аҳволда? Илгаригидек, ҳозир ҳам кундалик тиражи 700 минг нусхадаги Ғарбий Берлин газета бозорининг 80 процентини унинг қўлида. Шпрингернинг бақироқ варақалари газетхонлар руҳига «совуқ уруш»ни сингдирмоқда, Европада кескинликни юмшатиш ривожига турли йўллар билан қаршилик қилмоқда.

«Ғарбий Германия газеталаридан бошқачароқ ахборот олиш қийин. Чунки Шпрингер нашриёти ҳақиқий объективлиқдан узоқдадир», — дейди Ғарбий Берлин прогрессив ёшлар ташкилотининг раиси Норбет Экерфогт. Бунга социал-демократлар ҳам танқидий кўз билан қарашмоқда. Масалан, Ғарбий Берлин социал-демократик партияси (СДП) раисининг ўринбосари Клаус Рибшлегер бундай деди: «Шпрингер матбуоти янги хил қарашларни кўрмайди, аксинча баъзан кераксиз ахборотларни беради».

Яқинларда ёшлар группалари ва студентлар ташкилоти Шпрингер концернига қарши намойиш уюштирдилар. Ўшанда социал-демократлар уларга қўполлик билан ҳужум қилишган эди.

Нега жаноб Шпрингер социал-демократларни ўзига қарши қилиб қўйди? Бу муаммони осонгина енгиш мумкин. Баҳорда шаҳар депутатлари палатасига сайловлар ўтказилган эди. Сайлорда сайловчиларнинг 48 проценти монополистик буржуазия партияси (ХДС) учун овоз берган эдилар. Социал-демократлар ҳокимият тепасида қолиш учун озод демократлар партияси (СвДП) билан бирга коалиция ҳукумат тузишларига тўғри келди. Монополистик буржуазия партияси сайлоада муваффақият қозонишида Шпрингер матбуотининг таъсири катта. Шунинг учун ҳам социал-демократлар партияси ва озод демократлар партияси талвасага туша бошладилар. Агар ишлар шундай давом этаверса, Ғарбий Берлинда монополистик буржуазия партияси ҳукмрон бўлиб қолиши мумкин.

В. ВЯСТРИК,
АПН мухбири.

ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК

Чилида фашистик давлат тўнтариши ва президент Сальвадор Альенде ҳалок бўлганлигига деярли икки йилдан ошиқ вақт ўтди. Ҳарбий ҳунта мамлакатда зўравонлик режимини ўрнатди. Ватанпарварларни қамоққа олиш, азоблаш, таъқиб қилиш ва ўлдириш ҳали ҳам содир бўлмоқда. Қамоқхона ва концлагерларда миллаб эркак ва аёл ватанпарварлар ҳанузгача азоб чекиб келишмоқда. Инсоннинг оддий ҳуқуқлари бузилмоқда, кишилик фикр-туйғуси таҳқирланмоқда.

Чили Компартиясининг Бош секретари, сенатор Луис Корвалан саломатлиги ёмонлашаётганлиги ҳақидаги хабарлар бутун тараққийпарвар инсониятни ташвишлантирмоқда. Бироқ, ҳарбий ҳунта жаҳон жамоатчилигининг норозиликларига қарамай, Луис Корваланни қийноқда тутиб, маънавий баркамол инсонга жисмоний азоб беришга уринмоқда.

Совет хотин-қизлар комитети давлат тўнтариши содир бўлган дастлабки кунданоқ Чилидаги фашизмни қатъий қоралади. Мазкур комитет Совет Иттифоқида, шунингдек, ҳорижий мамлакатларда ўтказилаётган Чили халқи билан бирдамлик митингларида актив иштирок этмоқда.

Совет хотин-қизлар комитети радио ва матбуот орқали хунта жиноятларини фош этувчи хабарлар билан чиқмоқда, шунингдек, Чили демократлари ҳуқуқини ҳимоя қилишга даъват этилган мурожаатларни барча халқаро ташкилотларга юбормоқда. Аёлларимиз совет жамоатчилигининг митинг ва йиғилишларида чилилик ватанпарварларга ёрдам кўрсатиш учун маблағ тўплашда актив қатнашмоқда.

Бугун биз Чилидаги фашистлар хунтасининг жиноятларини ишларига қарши қатъий норозилигимизни билдириб, Луис Корвалан ва бошқа барча сиёсий махбуслар тезда озод қилинишини яна қайта талаб этамиз! Биз Чили меҳнаткаш халқи билан яна бир карра бирдамлик билдирамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1975 йил Халқаро хотин-қизлар йили деб эълон қилинган экан, жаҳон аёлларининг Чилидаги эркасевар кучларни ҳимоя қилишдаги овозимиз янада зўр жаранглайди.

Шу йилнинг июнь ойи ўрталарида Мехикода Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бутун жаҳон конференцияси бўлиб ўтди. Унда 149 давлат вакиллари иштирок этишди. Чили халқи билан бирдамлик руҳи халқаро хотин-қизлар йиғилгга бағишланган конференция билан бир вақтда ўтказилган жамоатчилигининг анжуманида ҳам ўз аксини топди. Жаҳоннинг деярли барча мамлакатларининг делегациялари Чилидаги фашистлар режимини қатъий қоралаб, ана шу масала юзасидан махсус резолюция қабул қилдилар.

Прогрессив жамоатчилигининг ташаббуси билан Мексика пойтахтидаги «Идальго» театрида Чили халқи билан бирдамлик митинги бўлиб ўтди. Унда бутун жаҳон Тинчлик совети, аёллар ва ёшлар халқаро демократик уюшмаларининг вакиллари, Шимолий ва Жанубий Вьетнам, Куба, СССР, Мексика вакиллари қатнашишди. Халқаро анжуманлар ва йиғилишлар қаерда бўлиб ўтмасин, ҳамма ерда Чили халқининг ҳаққоний ишини ҳимоя қилишга қаратилган қудратли овоз баралла янгради.

Бутун жаҳон конгресси Халқаро хотин-қизлар йилнинг энг чўққиси бўлади. Бу конгресс ГДР пойтахти Берлинда 20-24 октябрь кунлари ўтказилади. Биз шунга аминмизки, жаҳоннинг барча мамлакатларидан бу ерга йиғилган делегатлар чилилик ватанпарварларнинг ҳаққоний ишини ҳимоя қилиб, мамлакатдаги барча жиноий ишларнинг тўхтатилишини талаб этувчи сўзларини айтадилар.

Чили ҳарбий хунтаси ўз ватанининг эркинлиги учун курашаётган кишиларни таъқиб этмоқда, жиноий изларни яширишга уринмоқдалар. Яқинда ҳарбий хунта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқи бўйича комиссия аъзоларини мамлакатга киритмади. Бу комиссия мамлакатдаги аҳвол ҳақида тўғри ва ҳаққоний баҳо бериши керак эди.

Халқаро хотин-қизлар йилида биз барча Чили сиёсий маҳбусларини, шу жумладан, аёлларнинг озод этилишини яна бир карра талаб қиламиз.

В. НИКОЛАЕВА-ТЕРЕШКОВА,
Совет хотин-қизлар комитетининг раиси.

АХБОРОТ
ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИНИНГ ХАБАРЛАРИ

ЎЗ ИШИНИНГ УСТАЛАРИ

Самарқанддаги Охунбобоев номли кўн заводида тери жунини қирқувчиларнинг республика конкурси ўтказилди. «Ўзбекистон» кўн бирлашмасининг вакиллари, Фарғона, Қўқон ва республикадаги бошқа шаҳарлар кўн заводларининг ишчилари самарқандликларнинг рақиблари бўлишди. Жюри ишнинг аъло сифати учун Самарқанд заводининг жун қирқувчилари М. Михайлов, Р. Раҳфов, М. Раҳматовларга энг юқори баҳо берди.

КАЛЬЧИКДА ИШЧИЛАР ШИФОХОНАСИ

Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг коллективи Нальчикда санаторий қуриб бўлди. Бу санаторий Нальчик кон-металлургия комбинати билан биргаликда шерикчилик асосида барпо этилди.

Бу комбинат ишчиларининг биринчи шифохонаси эмас. Комбинатнинг Тянь-Шань тоғ этакларида қурилган дам олиш уйида касаба союз комитетининг путёвкалари билан йил бошидан буён 800 дан ортиқроқ киши дам олди. Бундан ташқари марказий ва маҳаллий курортларда ҳар ойда комбинат ходимларидан 25 киши сиҳат-саломатлигини яхшиламоқда.

Металлургларнинг ўз профилакторийси ҳам бор, бу ерда йил бошидан буён қарийб минг киши дам олди.

ҚОЗИҚ УСТИГА ҚУРИЛГАН МОЛХОНАЛАР

Шаҳар атрофидаги «Нукус» совхозида 200 бош сигирни боқишга мўлжалланган эксперименталь молхона қуриб бўлинди. Қорақалпоғистондаги қишлоқ қурилишларида биринчи марта бу ерда пойдевор ўрнига қоқилган қозиқ — колонналар ишлатилди. Бу техникавий янгилик ер қазиш ва монтаж ишлари ҳажмини камайтириш, анчагина темир-бетонни тежаб қолиш, транспорт харажатларини қисқартириш имконини берди. Чорвачилик биносини барпо этиш лойиҳада кўрсатилган нархга нисбатан 12 минг сўм арзон тушди. Қозиқ — колонналар маҳаллий бинокорлик материаллари комбинатида тайёрланган.

Янги молхонанинг ёнида яна иккита шундай сигирхона қуриш мўлжалланмоқда.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ 1976 ЙИЛ УЧУН ҚУЙИДАГИ НАШРЛАРГА ОБУНА БОШЛАНДИ

ГАЗЕТАЛАР:
«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
«ҲАҚИҚАТИ ЎЗБЕКИСТОН»
«ЛЕНИН БАЙРАҒЪЫ»
«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
«ЕШ ЛЕНИНЧИ»
«ЛЕНИН УЧҚУНИ»
«ЎҚИТУВЧИЛАР ГАЗЕТАСИ»
«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ»
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
«ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КУРСАТАМИЗ»

ЖУРНАЛЛАР:
«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»,
«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»
«ЎЗБЕКИСТОН АГИТАТОРИ»
«САОДАТ»
«ГУЛИСТОН»
«МЕҲНАТ ВА ТУРМУШ»
«МУШТУМ»
«ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ»
«СОВЕТ МАКТАБИ»
«МУҲБИР»
«ГУЛХАН»
«ҒУНЧА»

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти. Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

КУЁВ-КЕЛИНЛАР УЧУН СОВҒА!

«5-декабрь» номидаги якка буюртмалар тикадиган пойафзал фабрикаси Фрунзе номли майдонда жойлашган.

«БАХТ УЙИ»ДА

(10-троллейбуснинг «Педагогика институти» бекати)

табиий чармли ва лакланган буюмлар; замонавий конструкцияли оригинал форма ва рангли пойафзалларни тикиб бериш учун буюртмалар қабул қиладиган

ПУНКТ ОЧДИ

ПОЙАФЗАЛЛАРНИ ТИКИБ БЕРИШ МУДДАТИ — 20 КУН.

ЯНГИ ПУНКТ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

НАМАНГАН. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» шойи газламалар комбинатида меҳнатда юқори натижалар қўлга киритилгани ҳақида КПСС XXV съездига ёзилажак рапортга имзо чекиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун курашувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Айниқса ёшлар резерв ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда оширилган мажбуриятлар олмоқдалар. Суратда: бир йўла 20 станокни бошқараётган илғор тўқувчи Муқаддас Жалилова.

ЎзТАГ фотохроникаси.

ХАТ ИЗИДАН

МАССИВ МУАММОЛАРИ

Редакция ҳар куни юзлаб хат олади. Ким онлавий қувончи билан бўлишади, ким ҳаёт мулоҳазалари билан ўртоқлашади, ким бугунги куннинг долзарб масалаларини ўртага ташлайди. Мана, улардан айримлари:

«...Кўчага чиқишга юрагимиз бетламай қолди. Қишда калишга бир кетмон лой илашса, ёзда бир ховуч тупроқ тўлиб қоладиган бўлди. «Чевар» фирмаси филиалига кўчамиздан теплотрасса ўтказилган. Катта зовурлар қазиб қўйилган. Қурувчилар «Оқтепа» маҳалласида аҳоли яшашини унутиб қўйишган чоғи. Наҳотки, бир йилдан зиёд вақт ўтса-ю, кавланган чуқурлар шу ҳолича, ариқлар кўмилиб, сув келмай қўйса... Азим дарахтлар қуриб кетялти. Маслаҳат беринг, нима қилайлик?!

Саъдулла ХАБИРОВ,
«Оқтепа» маҳалла комитети раиси, Улуғ Ватан уруши инвалиди.

* * *

«...Болалар дам олиб, бадиий китобларни мириқиб ўқийдиган палла. «Октябрь» массивимизда китобхон ёшлар эҳтиёжини қондирадиган ўқув заллари мавжуд. Кутубхона йўқлигига жуда ачинамиз. Қачонгача иш жойимиздаги кутубхоналардан болаларимиз учун китоб ташиймиз...».

Мушарраф ҚОСИМОВА,
тарих фанлари кандидати.

Мана эҳтиёж, мана талаб. Хатларни ўқишда давом этаркан-миз, «Октябрь» массиви муаммолари йўлга чорлади.

«Тошкент» меҳмонхонаси ёнидаги 13-маршрут такси бекатидамиз. Офтоб тиккага келган. Йўловчилар бетоқат. Маршрут таксига кўзлари игорон.

— Меҳмонхона — Бирлик маршрутида 6 та машина қатнаяпти, — деб диспетчер шикоятчиларга огиз тўлдириб жавоб қилаётганди ҳам, йўловчилар унинг сўзини кесиб қўйишди:

— Ёлғон ҳам эви билан-да. 45 минутдан буён 6 та машинадан наҳотки биттаси қорасини кўрсатмаса-я, қўйинг-э. Бир соат-у 20 минут деганда, ниҳоят бир машина келди. Йўловчилар жиғибийрон, ҳайдовчи билан айтишиб кетишди.

— Шоферлар овқат емайдими?! — ўзларикини маъқулламоқчи бўлади ҳайдовчи.

— Бир йўла 6 шофер овқатга чиқсин-у, йўловчилар жазирамада оёқ устида соатлаб кутсин, деб ким айтган? Овқатланишни навбатма-навбат уюштириш мумкинку, — сўз бермайди йўловчилардан бири. Йўл-йўлакай ҳайдовчи билан йўловчилар ўртасида «айтишув» давом этади.

Бекатдаги бу ҳолатга тасодифий ёки ора-сира бўлиб турадиган воқеа деб баҳо берсак, факт эътиборини анча сусайтирган, йўловчиларнинг арзи-додидан юз ўгирган бўлардик. Кунлар, ҳафталар, ойлар давомидаги кузатувлар шуни тасдиқлайдики, Меҳмонхона — Бирлик маршрутида йўловчиларга қониқарли хизмат қилинмаяпти. Бу ҳақда марказий ва шаҳар газеталари неча бор бонг урди. Аҳвол бирмунча юмшайди-ю, яна аслига қайтади.

Дарҳақиқат, массивда шаҳар марказига ишга қатнайдиган хизматчилар учун транспорт масаласи муаммо бўлиб қолди. «Октябрь» массивидан барча автобуслар Чорсу бекатигача қатнайди. Шаҳар марказига бориш учун салкам бир бекатча йўл босиб, трамвай ёки троллейбусга чиқиш керак бўлади. Йўловчилар Бирлик массивидан шаҳар марказига (Революция ҳиёбонигача) тўғратўғри элтадиган автобус маршрутини талаб қилишларида мутлақо ҳақлидирлар.

Йўл ва транспорт ишлари билан шуғулланувчи махсус ташкилотлар массив аҳолисининг бу талаб ва эҳтиёжлари борасида, зудлик билан чора-тадбирлар кўради, деб ўйлаймиз.

Массивдаги Хондамир, Лочин, Шифокор, Қурувчи. Тўқимачи кўчалари кенг, баҳаво, дарахтлар барқ уриб ётибди. Лекин хонадонларнинг олдида уюлиб ётган челак-челак, тоғора-тоғора ахлатлар устида гувиллаб ётган пашша кўнгилни хира қилади. Уй бекалари ахлат ташиб кетадиган шоферлардан нолийдилар:

— 15-20 кунда хушига келса-келади, бўлмаса — йўқ, — дейишди улар бир овоздан.

Гормехбаза директори Б. Мажидовнинг бундан хабари йўқ-дир, деб ўйлаймиз. Хабари бор. «Хўп» дедим қутилдим, «йўқ» дедим тутилдим, дегандек, ўртоқ Мажидов шикоятчиларга:

— Ишни, албатта, тартибга соламиз, — деб ҳар гал ваъда беришга беради-ку, амалда аҳвол мутлақо ўзгармаяпти.

Кишилар массивдаги 36-ҳаммом хизматидан нолиб кетишди.

— Бас боғлаб кечқурун соат 9 дан кейин ҳаммомга келиб кўринг-а. Касса ишлайверади, лекин аслида ҳаммом ишламайди. Иссиқ сув кеч соат 9 дан кейин тақ тўхтайди. Ҳаммом слесарини ноз уйқудан уйғотиб келиб, иссиқ сувни маромига солишга мажбур этган кунларимиз ҳам бўлган. Лекин бу «касал» ҳеч тузалмаяпти. Қачон қараманг, тоғоралар тешик, бир энлик кир. Ҳаммом ичидаги душлар ишламайди.

— Одамларнинг гапида жон бор, — дейди ҳаммом кассири.— Ҳадемай ремонтга чиқамиз. Душлар, сув йўллари тузатилади. Бошлиқлар ҳам ҳаммом ишини яхшилашга тарафдор. Мана, яна директоримиз янги бўлди...

Тўғри, ҳаммом ишга тушгач, уч йил давомида ҳаммом директори тўрт бор ўзгарди. Лекин аҳоли ҳамон ҳаммом хизматидан рози эмас. Гап директор лавозимидан бирини бўшатиб, унинг ўрнига бошқасини тайинлашда эмас, балки ишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришда, ишга масъулият туйғусини тарбиялаш ва талабчанликда.

Массивдаги уй бекалари: «Қани энди массивимизда модалар ателъеси ҳам очилса-ю, кийим тиктирамиз, деб шаҳар марказига югуриб юрмасак, — дейишди. — Лоақал сартарошхонани айтмайсизми?! Массивда битта ҳам аёллар сартарошхонаси йўқ. Магазинларимизда ярим фабрикатлар бўлишини хоҳлардик...

Ҳақли талаблар. Қани энди, массивнинг ҳаммага қулай нуқталари танланса-ю, телефон-автоматлар қурилса, пойафзал ремонти ва бошқа эҳтиёжлар мухтасар қилинадиган маданий-маиший комбинатлар очилса. Газета ва журналлар ҳонадонингга ўз вақтида кириб келса. Номигагина ишлаётган ҳаммом қошидаги кир комбинатининг қабул пункти ва иш сифати тартибга солинса. Боғча-яслиларга болаларингизни етаклаб борадиган ўнқир-чўнқир тош йўлларга асфальт ётқизилса. Дурбек — Хондамир — Уйғур кўчалари бирлашган бурчакда сабзавот ва озиқ-овқат дўкони очиш ҳақида бундан уч йил бурун тасдиқланган план ижроси рўёбга чиқса. Тўғри, Октябрь район ижроия комитети бу масалада ва шунингдек, кўмилиб кетган ариқларни очиш, йўлкаларни яхшилаш борасида жуда кўпдан ваъда бериб келади. Лекин ваъда ижроси билан чиройли!

«Октябрь» массивида 20 дан ошиқ озиқ-овқат магазини ишлаб турибди. Лекин биронта сут ва сут маҳсулотлари сотиладиган махсус дўкон йўқ. Баҳор, Штаб бекатларидаги озиқ-овқат магазинларига сут, қатиқ ора-сира келтириб турилади. Лекин бу массивдаги 80 минг аҳоли эҳтиёжини қондиролмаяпти. Маҳаллаларга сут, қатиқ, қаймоқ олиб келиб сотадиган кўчма дўкон-машиналарни кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўларди. Бу ҳақда Октябрь район озиқ-овқат савдоси идорасининг директори Дилором Сайдалиева билан суҳбатлашдик.

— Районимиз бўйича учта кўчма дўкон-машина бўлиб, улардан бири Марказ — 13 кварталга, иккинчиси генерал Узоқов кўчасига, учинчиси Бешёғоч аҳолисига хизмат қилади. Қўшимча машина ажратишга иложимиз йўқ, — дейди суҳбатдошимиз.

Иложини топиш керак-да. Қўшимча машина ажратиш имконияти йўқ экан, ўша учта машинани оралатиб, массив маҳаллаларига ҳам жўнатиб туриш керакки, токи районнинг барча аҳолиси эҳтиёжи баб-баравар қондирилсин. Шунда Қўқча бозоридаги бир банка қаймоқни огзига сиққанча нарх қўйиб сотаётган қаймоқфуруш, сутфурушларнинг бели синади, чайқовчиликнинг олди олинади. Магазин тўла сут-қаймоқ, бўлса, маҳаллага сут, қаймоқ, қатиқ ортилган машиналар тез-тез келиб турса, ким бозорга бориб бирини ўнга олади?!

Октябрь район партия комитетининг секретари С. Усмонова ҳузурида ҳам массивдаги маданий-маиший ишларнинг савияси хусусидаги суҳбатимиз давом этди. Райком секретари Бешқайрағочда қад кўтарган кўп қаватли уй-жойлар, массивда бунёд бўлган янги болалар ясли-боғчалари, мактаблар ҳақида фахрланиб сўзлайди. Тўғри, районнинг баъзи қурилиш участкаларида деярли ҳар куни бир муҳташам уй-жой қад кўтаряпти, десак, муболаға эмас. Лекин, аҳоли эҳтиёжи учун ҳар куни зарур бўлган кичик бир сут дўкончасининг ёки пойафзални ремонт қиладиган устахонанинг бунёдга келиши неча йиллардирки, муаммолигича қолиб кетмоқда.

Шаҳар типидаги қишлоқларни бунёд этиш, қишлоқларни ҳар жиҳатдан шаҳарга яқинлаштириш борасида партия ва ҳукуматимиз ажойиб тадбирлар кўраётган бир пайтда «Октябрь» массивининг маданий-маиший жиҳатдан орқада қолаётганлигини Тошкент партия, совет ташкилотлари қандай баҳоларкин?

Д. МАҲМУДОВА.

ЎЗГАРИШ БОРУ, АММО...

ФУТБОЛ

Олий лига командаларининг мамлакат чемпионати календарида белгиланган «танаффуси» тугади. Уч ҳафталик бўш вақтда айрим командалар халқаро учрашув ва турнирларда иштирок этишди. Баъзи коллективлар эса ўз майдонларида машқ ўтказишни маъқул кўрдилар. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси футболчилари ҳам фурсатдан фойдаланиб қолдилар — техника ва тактика машғулотларига зўр бериб, бу борадаги билимларни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Бу гал футболчиларда сабот-матонатни кучайтириш учун енгил атлетика машқларига ҳам кўпроқ эътибор берилди. Пахтакорчилар Душанба ва Қизил Ўрда шаҳарларида ўртоқлик учрашувлари ўтказдилар. Хуллас, звенолар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, ҳимояни мустаҳкамлаш мақсадида турли вариантлар синаб кўрилди.

Денгизчиларда юриб турган кемани йўл-йўлакай ремонт қилиб, созлаш жуда машаққатли иш деган гап бор. Мавсум авжи қизиган пайтда пахтакорчилар «кемаси» янги дарга — тажрибали тренер Г. Качалин қўлига ўтди. Гавриил Дмитриевич биринчи кунданоқ ажойиб ҳужумчилари бўлган ва ҳужумкорликда ном чиқарган команданинг ҳимоя бўғини, албатта ишончли бўлиши керак, йўқса, ахволни ўнглаш мушкул деган принципда иш тутмоқда. Машқлар интенсивлиги ортгани ҳам шундан. Аммо бутун бир коллективни янги йўлга солиб олиш маълум вақт талаб этади. Қоларверса, бирданига ўзгариш бўлади, деб кутиш ҳам ўринсиз. Лекин командада озми-кўпми бурилиш бўлгани аниқ.

Ўтган кунги учрашувни олинг. Ленинграддан олиб эшиттирилган репортажга қараганда, биринчи таймда зенитчилар бироз устунлик қилишган. Ўйиннинг иккинчи ярмида эса, ташаббус бутунлай тошкентлик футболчилар қўлига ўтди. Пахтакорчилар ҳужумга зўр бердилар. Исоқов, Ҳадзипанагис, Фёдоровлар-ку ўз йўлига-я, ярим ҳимоячилар, ҳатто ҳимоячи Беловни ҳам мезбонлар жарима майдонида тез-тез кўриш мумкин эди. Бунга жавобан зенитчилар бошқача тактика қўллашди; улар асосан қарши ҳужумга ўтиш билан кифояланишди. Емғир ёғиб, майдон ниҳоятда нам бўлгани учунми, ҳар қалай, бу тактика ўзини оқлади. 70-минутда Владимир Казаченок деярли ўз жарима майдонидан илгарилаб бориб, қулай вазиятда турган Георгий Хромченковга тўпни ошириб берди. 1:0. Қизиқ, пахтакорчилар тинимсиз ҳужум қилдилар-у, ютуқ мезбонларда кетди...

Футболчиларимиз навбатдаги учрашувни 15 сентябрда Москвада маҳаллий «Локомотив» команда-си билан ўтказишади. Умуман, қолган ўйинларнинг тўрттаси сафарда, бештаси Тошкентда бўлади. Ўйлаймизки, пахтакорчилар бу учрашувларда муваффақиятли қатнашиб, кучли ўн команда сафидан ўрин олишга ўзларида куч-ғайрат ва имконият топа оладилар.

Қолган ўйинлар қуйидагича тугади: «Днепр» — «Динамо» (Киев) — 1:1; ЦСКА — «Динамо» (Москва) — 1:1; «Спартак» — «Торпедо» — 0:3; «Арарат» — СКА (Ростов) — 2:2; «Шахтёр» — «Черноморец» — 1:0; «Заря» — «Карпат» — 1:1.

Р. ҚОСИМОВ.

ПИРИ БАДАВЛАТ

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

Кишининг яшаган умри у кечирган ой ва йиллар билан эмас, балки бу қимматли фурсатдан қай тарзда фойдалана билгани, нима ишлар қилгани, ўзидан қандай из қолдирганлиги билан ўлчанади.

Улуғлик кексаларимизга қанчалик ярашғлиқ бўлса, уларга халқнинг, фарзандларининг, дўст ва биродарларининг иззат ва ҳурматида бўлиши ҳам шунчалик ярашғлиқдир. Бундай кишини халқимиз пири бадавлат одам дейди. Назир ота ҳам ана шундай кишилардан. У қаерда ишламасин, қандай вазифани бажармасин: хоҳ катта, хоҳ кичик ўз бурчини сидқидилдан бажаришга, одамлар қалбидан муносиб жой олишга ҳаракат қилди.

— Сўзим деҳқончиликда қотган, — дейди ота ўтмишини эслаб, — партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат, ажойиб маъмурчилик даврида яшаяпмиз. Ёримиз кенг, сувимиз сероб, техникамиз қудратли, замонамиз тинч. Ҳуллас, баракали меҳнат қилиш учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

Кечагидек эсимда: Бундан салкам 40 йил муқаддам районимизга Йўлдош ота Охунбобоев келибди, деган хабар тарқалди. Колхозимиз сувсизликдан анча қийинчилик чекарди. Йўлдош ота қишлоқ оқсоқоллари, тажрибали мироб ва деҳқонларни йиғиб, мажлис ўтказди. Ҳаммамиз дилимизда туғиб юрган гапларни айтдик, фикр алмашдик. Йўлдош ота келажак тўғрисида, янги каналлар қазилажаги, қишлоғимизнинг обиҳаётга сероб бўлиши тўғрисида завқ билан гапирди. Айни вақтда сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳақида қимматли маслаҳатлар берди.

Эртаси куниёқ Йўлдош отанинг маслаҳатлари асосида ариқларни кавладик. Сув исроф бўлишининг олдини олдик. Кейинчалик Катта Фарғона канали бошланди. Уч йилга мўлжалланган бу улкан иншоот халқ куч-қудрати, жасорати туфайли 45 кунда битказилди. Канал қазишда бошқалар қаторимен ҳам фаол қатнашдим. Шундан кейин биз бир гуруҳ ўзбекистонликлар Москвага бордик. Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калинин юртдошларим қаторимнинг кўксимга ҳам Ленин ордени тақиб қўйди. Бу қувончли кун ёдимдан ҳеч қачон чиқмайди...

Назир ота Раҳимов узоқ йиллар район сув хўжалиги бўлимида ишлади. Уйғур, Поп қишлоқ Советларида, сунгра колхозга раис бўлди.

Отанинг олти ўғли, олти қизи, 20 дан ортиқ невара-чеваралари бор. Уларнинг бири ўқитувчи, бири врач, бири колхозчи ва бошқа касбларда ишлайди.

Назир отанинг ёши етмишдан ошган бўлса ҳам, тиниб-тинчимайди. Ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиб, коммунистик мўл-кўлчилик учун курашаяпти. У «Коммунизм» колхози боғбонларининг сардори. Боғбонлар шу кунларда халқимиз дастурхонига куз ноз-неъматларини мўл-кўл етказиб бериш учун курашмоқдалар.

С. АҚМАЛОВА,
Наманган область, Поп районидаги «Коммунизм» колхози.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Болалар учун кўрсатув. 12.10 — Телеспектакль. 15.30 — МОСКВА. 17.35 — ТОШКЕНТ. 17.40 — Телевизион қўғирчоқ театр. 18.10 — Кинофильм. 18.20 — «Прогресс» программаси. 18.50 — Ўзбекистон — БАМ қурилишига. 19.20 — «Ахборот». 19.35 — Кино оламида. 20.35 — Ўн минут музика. 20.45 — «Ахборот». 21.05 — «Оқ олтин» карвон-карвон. 21.30 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Актерлар ва ролларга: Г. Жамилова ва Т. Мўминов. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 17.35 — МОСКВА. 18.15 — Концерт. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Болгария Халқ Республикаси телевидениесининг программаси. 22.00 — Ассалом, Болгария (телефильм). 22.30 — Концерт. 22.55 — Спорт программаси. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Ўқитувчи экрани. 20.35 — Телефильм. 20.45 — Ўқув кўрсатуви. 21.25 — Тошкент янгиликлари. 21.40 — Кинофильм. 22.00 — Москва сатира театри экранда.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/IX да Кўрмайин босдим тиканни, 11/IX да Қароқчилар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/IX да Ужарлар, 11/IX да Ҳижрон.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Сўқабош — НАВОИЙ номли, «ЧАНКА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» «ҚОЗОҒИСТОН» (куфт соатларда).

Мактаб директорининг кундалиги — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Кромвель — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Эй, бахтли инсон! — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Виннету — Инчу-чун ўғли — «ХИВА».

ПАХТА МАҲСУЛОТИНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛАДИГАН ПАХТА ЗАВОДЛАРИ ВА ҚОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СССР Енгил саноат министрлиги қошидаги «Союзглавлегпромсирье»нинг пахта маҳсулотларини сотиш бўйича Ўрта Осиё идораси

ПАХТА МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН БОШҚАРМАСИ («СРЕДАЗХЛОПКОСБИТ») ҚИЛИБ ҚАЙТА ТУЗИЛДИ

Бошқарманинг Давлат банки Тошкент шаҳри Куйбишев бўлинмасидаги ҳисоб счёти 532004, махсус ссуда счёти 59233004.

Почта адреси: 700000, Тошкент шаҳар, ГСП, 1 Май кўчаси, 85-уй.

Телеграф адреси: 700047, Тошкент шаҳри, 47, «Средазхлопкосбит».

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА СИВОРОТКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ вакцина штамплари генетикаси лабораториясининг кичик илмий ходими вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Кафанов кўчаси, 93-уй.

ДЕЛЕГАТЛАР ДИҚҚАТИГА!

11 сентябрь эрталаб соат 10 да ҲАМЗА НОМИДАГИ САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИНИНГ КОНФЕРЕНЦ ЗАЛИДА (В. И. Ленин номли майдон, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биноси ёнида) ЎЗБЕКИСТОН ГЕМАТОЛОГЛАРИ ВА ТРАНСФУЗИОЛОГЛАРИНИНГ 1 СЪЕЗДИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ташкилий комитет.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 02630. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 211.